


Комилхон КАТТАЕВ



**САЙИД ОТА ВА ЯССАВИЯ
ТАРИҚАТИ МУРШИДЛАРИ
ТАРИХИ**

Комилхон КАТТАЕВ

**САЙИД ОТА ВА
ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ
МУРШИДЛАРИ ТАРИХИ**

Тошкент
«Qaqnus Media» нашриёти
2019

УЎК 94(575.1)
КБК 63.3(5Ў)
К 28

Сайид ота ва Яссавия тариқати муршидлари тарихи (Монография) / К.Каттаев. «Qaqnus Media» нашриёти - Тошкент: 2019. - 64 б.

Китоб, буюк ҳуқуқшунос аллома имом Али Суғдий вафотларининг 950 йиллиги ҳамда ул зотнинг ёнида дафн этилган Яссавия тариқати улуг пирлари Яминбобо, Шайх Али шайх ва Мавдуд шайх хотираларига бағишланади.

Ушбу асарда яшаб фаолият кўрсатган Сайид Ота Яссавия-жаҳрия тариқатининг буюк пиру муршидларидан бири эди. У ҳақда юртимизда ҳозирга қадар бир туркум рисоалар эълон қилинган бўлиб, қўлингиздаги китоб илк монографик тадқиқотлардан биридир.

Рисола авлодларда, давлат ва шахсий архивларда мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда ёзилган. Шу билан бирга, асарда манбашунослик ва тарихшуносликдаги баъзи хато-чалкашликлар ислоҳи берилгани китоб қадрини янада оширади.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари манбашунос ва тарих ўқитувчилари, Яссавия тариқати ҳамда Сайид Отанинг ҳаёт-фаолияти билан шуғулланувчи илмий тадқиқотчи олимлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

академик

Акмал САИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:

Зиёдулла МУҚИМОВ, Мухаммадюнус ПАРДАЕВ,

Ибодулла МИРЗАЕВ, Нодирбек АБДУЛАҲАТОВ,

Қадриддин ХАЛИЛОВ

ISBN: 978-9943-5818-0-7

© «Махдуми Аъзам Даҳбедий
илмий-тадқиқот Фонди
© «Qaqnus Media» нашриёти 2019.

МУҚАДДИМА

Охирги даврларда жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Тарихимизга тўғри кўз билан қараш, маънавий қадриятларимизга бўлган эътиборнинг жонланиши, халқимиз тарихий хотирасининг яна тиклана бошлаши ҳамда инсонпарварлик ғояларининг ҳаётимизда тобора кенг тадбиқ этилиши Мустақиллигимизнинг шарофати ва ғоявий рамзи сифатида ўз аксини топмоқда.

Қадрият ва маънавий меросга янгича ёндашиш ва янгича фикрлаш тақозаси туфайли бизга номаълум бўлган кўпгина тафаккур ва тасаввуф алломалари бўлган юртдошларимизни янгидан кашф этмоқдамиз, уларнинг илмий-маърифий меросларини ўрганмоқдамиз, ҳаётга тадбиқ этмоқдамиз ва ул буюк зотларнинг ҳаёт-фаолиятларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ўтказмоқдамиз.

Шубҳасиз, бу каби ишлар халқимизнинг ва асосан, ўсиб келаётган ёш авлод дунёқарашининг ижобий шаклланишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Шуниси қувонарлики, қадриятларимизга ва маданий бойликларимизга катта эътибор бериш билан биргаликда уларни тиклаш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Кейинги йилларнинг ўзидагина буюк алломаларимиз хотираларига бағишланган бир неча халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. Чунончи, Имом ал-Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрори Вали, Махдуми Аъзами Даҳбедий, Шайх Худойдоди Вали, Шайх Махдуми Хоразмий каби зотларимизнинг хотираларига бағишланган ан-

жуманлар бўлиб ўтди ва мерослари ўрганилмоқда. Ана шундай, юртимиз тарихида чуқур из қолдирган тадқиқотталаб буюк зотлар қаторида Ҳазрати Сайид Ота ҳам турадилар.

Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий тариқатидаги «Жаҳрияи султония» силсила сулукининг ўз замонасидаги пешвоси ҳисобланган Сайид Ота фаолиятлари ҳақида неча асрлар илгари мақомот ҳамда рисолалар ёзилган бўлиб, улар юртимиз ва хориждаги Шарқ кўлғемалари фондларида сақланмоқда. Аммо, негадир охириги даврларда бу зот тўғрисида оммабоп китобларни ҳисобга олмаганда, бирор илмий-монографик асар чоп этилмай келмоқда. Ваҳоланки, дунёга тарқалган Яссавия-султония-жаҳрия тариқатининг Ҳазрати Яссавийдан кейинги бармоқ билан саноқли машҳур муршидларидан бири ҳисобланган Ҳазрати Сайид Ота тўғрисида қадимий манбалар кўп ва етарлидир.

Мустақиллик даври бошидан ушбу сатрлар муаллифи тасаввуф аҳли тарихини манбалар асосида ёритишга саъю ҳаракат этиб, бошқа тариқатлар қатори Яссавия тариқати тарихига оид бир неча китобларни чоп ва таржима этиб келган эдим. Қўлингиздаги ушбу рисола ёзилишига сабаб, яқинда Сурхондарё вилоятидан сайидатонийлар Нурмуҳаммадхон Муъминов ва Абдурахимхон Сайнаъматхон ўғли ҳамда баъзи илм аҳллари икки-уч марта ташриф буюришиб, Ҳазрати Сайид Ота шажарасини пешкаш этишди ва ул зот тўғрисида манбалар асосида бир рисола ёзишни таклиф этиб қолишди. Ва биз бу таклифни мамнуният билан қабул қилдик. Зеро, бунгача Яссавия тариқати борасида бир-икки китоб ёзган эдик. Назаримизда Сайид Оганинг тарихларисиз бу ишларимиз тўлиқ кўринмади. Қўлингиздаги ушбу рисола Яссавия тариқатининг буюк муршидларидан бири Сайид Ота тўғрисидаги илк монографик китобдир.

Китоб жуда қисқа фурсатда манбалар асосида ёзилгани боис, зукко ўқувчи китобдаги нуқсонларни ақл қалами ила ислоҳ қилади, деб умид билдирамыз.

Муаллиф

БИРИНЧИ БОБ

САИИД ОТА ТЎҒРИСИДА МАНБАЛАР

Ўрта асрларда Марказий Осиёда фаолият кўрсатишган турли тасаввуф тариқатлари ичида Нақшбандия, Яссавия, Кубравия, Сухравердия, Чиштия тариқатлари энг йирик силсилалар ҳисобланган. Улар орасида Яссавия тариқатининг улуғ сулуки бўлган Яссавия-Султония-Жаҳрия шохаси ўз тариқатида устувор йўналишни эгаллаб келган.

Ҳар силсила тарихида буюк арбоблар етишиб чиқишган. Нақшбандияи-шарифияда **Хожаи Нақшбанд**, **Хожаи Аҳрор**, **Махдуми Аъзамдан** ташқари яна **Хожа Ислом Жуйборий**, **Офокхожа**, **Муҳаммад Амин** (Пири дастгир)лар; Нақшбандияи-аълияи-мужаддадия йўналишида **Алфи Соний**, **Мўсохонхожаи Дахбедий**лар, Кубравияи шарифия тариқатида **Шайх Нажмиддин Кубро**, **Шайх Маждиддин Боғдодий**, **Шайх Али Лоло** ва **Шайх Махдуми Хоразмий** кабилар энг буюк хизматлар қилишиб, ўз тариқатлари ва ислом дунёси тасаввуф таълимоти ривожига бениҳоя ҳиссалар қўшишган.

Худи шу каби, Яссавия силсиласи фаолиятида ҳам кўп пир муршидлар ўтган бўлишиб, улар орасида тарихда жуда катта из қолдирган улуғ арбоблар жумласига **Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий**, **Занги Ота**, **Сайид Ота**, **Шайх Худойдод Вали**, **Қосим Шайх Азизон** ва **Олим Шайх Азизон**лар киришади. Ва биз Сайид Отага бағишланган ушбу ёзишмамизда Яссавия тариқатида буюк хизматлар қилишган юқоридаги пирлар тўғрисида ҳам қисқа-қисқа баъзи жалибий маълумотларни ҳам бериб ўтамиз.

Кейинги ўрта асрларда Марказий Осиёдаги барча сил-силалар Нақшбандия тариқатига қўшилиб кетгунга қадар, юқоридаги арбоблар бошқаришган сулук-шоҳалари юртимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаб келишган.

Аксарият ҳолда илм аҳли 2005 йилда «*Рашиҳот*» китобининг туркий тилидаги нусхасидан таҳия этилиб чоп этилган нашридангина Сайид Ота тўғрисида қисқагина, ярим саҳифа ёзилган маълумотлар билан чекланиб қолган эди. Ваҳоланки, бу муборак зот тўғрисида бошқа кўпгина мукамал маълумот берувчи манбалар топилади.

Мустақилликдан сўнг Яссавия тариқати пирларига оид олимларимизнинг турли мақола ва китоблари чоп этила борди. Ушбу ёзувлар муаллифи ҳам анча йилдан бери Яссавия тариқатига доир манбалар билан қизиқиб келардим ва бу борада 1995 йилда Яссавия тариқати арбоби Шайх Худойдоднинг 535 йиллик илмий-анжуманларига атаб «*Шайх Худойдоди Вали ва хонақоҳи тарихи*» номли китобимни ёзган эдим; 2007 йилда эса Самарқанднинг 2750 йиллик Халқаро анжуманига атаб Яссавия тариқатида энг асосий мақомот ҳисобланган ва XVII аср бошида ёзилган Олим Шайх Азизоннинг «*Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс*» асарини шогирд дўстимиз Абдулвоҳидхон Нарзуллахон ўғли ҳамкорлигида таржима этиб чопга тайёрлаган эдик. Булар юртимизда Яссавия тариқатига оид илк илмий-монографик китоб ва форсийдан таржима этилган мақомот эди. Бу китобларда, айниқса «*Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс*» асарида, ёзишмаимизнинг асосий тадқиқот объекти бўлган Ҳазрати Сайид Ота тўғрисида илк кенг маълумотлар берилган.

Шу билан бирга, Сайид Отадан то манғитлар сулоласи ҳукмдори Амир Ҳайдар замониғача бўлган воқеалар шу авлоддан бўлган Аҳмадхожаи нақиб далолатида ёзилган «*Фавоиди мунтажсеҳ*» (Фойдали натижалар) номли китобдан ҳам истифода этилди. Асарнинг бошқа номи «*Мақомоти Сайид Ота*» деб аталган. Кейинги давр суфизм тарихига оид ман-

балардан ҳисобланган «*Тухфат уз-зоирин*», «*Равойихул-қудс*» каби асарларда сайидатоийлар тўғрисидаги боблар Сайид Отанинг мақомотлари ҳисобланмиш ушбу «*Фавоиди мунтажсеҳ*» асаридан истифода ва иқтибослар этилган. «*Фавоиди мунтажсеҳ*» (Сайид Ота мақомоти) эса ўз навбатида юқоридаги «*Ламаҳот...*» асаридан кенг фойдаланилган ҳолда ёзилган эди.

Ушбу рисоламизда юқоридагилардан ташқари, яна ўнлаб қадимий қўлёзма ва литографик китоблардан ҳамда вақфнома, иршоднома каби ҳужжатли манбалардан истифода этдик ва иқтибослар келтирдик.

Саидатоийлар авлодига тегишли қўлдан келгунча излаб топганимиз барча шажараларни ҳамда манбалардан қўлга кiritган барча маълумотларни ушбу рисоламизга келтирдик, токи ушбу авлод вакиллари ўз ота-боболари шохаларини излаб топа олишлари учундир.

Ушбу таснифотимида соҳага ва умуман манбашуносликка доир баъзи чалкаш масалаларни ҳам кўриб чиқиб, мутахассислар фикрга пешкаш этдик.

САЙИД ОТА

Ул зотнинг муборак номлари Сайид Аҳмад бўлиб, Сайид Ота лақаби ила машҳурдир. Яссавия тариқати пирлари орасида ҳасаби ҳам, насаби ҳам энг улуғ муршидлардан эди. Шу билан бирга соҳиби каромот, хорик одот ва ислом дини тасаввуфи тарихида энг улуғ ғазовот қилган пиру муршидларнинг бири сифатида тарихда чуқур из қолдирган табаррук зотлардандир.

Сайид Аҳмадхожанинг оталарининг номи Амир Абу Бакр лақабли Сайид Яҳё (баъзи манбаларда Сайид Маҳмуд деб келтирилган) бўлиб, насаби Мусавий сайидларига бориб тақалган. Оналари эса Кубравия тариқати асосчиси Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг авлодларидан эди. Шундай хо-

надонда туғилган Сайид Аҳмадхожа илк тарбия ва билимни оилада олади. Вояга етгач, тасаввуф ғояларига мойиллик сезиб, Яссавия тариқати муршиди Занги Отага шогирд тушади.

Олим Шайх Азизоннинг *«Ламаҳот мин нафаҳотулқудс»*¹ асарида келтирилишича, Сайид Ота Тошкентдан икки тош йўл масофа узоқликдаги мавзеда йигирма саккиз йил муддат Занги Отага халифа бўлиб хизмат қилиб юрган даврида ҳар қандай риёзат чекса-да, ботинида ҳеч хидоятни кўрмас ва дилида ҳеч эшик очилмас эди. Охири дилини пирининг аёли Анбар Онага очиб дейди: *«Сизнинг сўзларингиз Ота ҳузурида тўлиқ қабул қилинади, умид қиламанки, мен ҳақимда бир неча сўз айтарсиз. Шояд мен ҳам Ҳазрати Занги Отанинг хос назарларига тушиб қолсам»*.

Анбар Она дедилар: *«Бу кеча ўзингни қора наमतга ўраб, у киши ўтадиган йўлларида ёт. Мумкинки, сени ушбу ҳолда кўриб раҳм қилсалар»*.

Анбар Она ўша кеч эрларига айтдилар: *«Сайид Аҳмад фақир ва олимдур. Неча йилдурки сизнинг хизматингизда. Ҳаргиз бу жанобга назар илтифот қилмаяпсиз»*. Ота табас-сум қилиб дедилар: *«Сайидлик ва билими унинг йўлидаги зов бўлиб, иши битмаслигига сабаб бўлди. Биринчи учрашган кун у, «Мен сайид бўлсам, олим бўлсам, наҳотки шу подачига бўйсунаман», деб фикрлаган эди. Энди, сен унинг гуноҳини кечиришини сўраб ўртага тушяпсан?! Унинг гуноҳидан ўтдим»*.

Саҳар пайти Ота ташқарига чиқсалар, бир қора нарсаси оёқлари остида ётар эди. Оёқларини унинг кўкрагига қўйдилар. Шу пайт у киши пирнинг оёқларидан ўпади. Ота сўради: *«Қайсинг у?»*. *«Сайид Аҳмаддур»* – деб жавоб эшитдилар. Ота айтдилар: *«Тур ўрнингдан, мана шу синиқлику хоксорлик туфайли сенинг ишинг битди»*. Сўнг меҳрибонлик кўрсатдилар ва Сайид Ота ўрнидан туриб ҳар не мақсади бўлса ҳосил бўлди. Бир оз муддатдан сўнг иршод даражасига етиб, касбу камолга эришади

¹ Олим Шайх...Ламаҳот. СамИСИ, Самарканд, 2007 (К.Каттаев, А.Нарзуллаев тарж.)

ва пиридан файзу баракотлар қабул қилиб, баркамоллик даражасига етишади.

Шундан сўнг пиридан иршод рухсатини олган Сайид Ота Хоразмга йўл олади ва халқни ҳидоятга бошлаш маснадида ўтиради. Барча улуғу кичик ул зотнинг суҳбатига етишгач, мартаба даражасига эришиб, атрофларига халқ тўпланишар эди.

«*Тухфатуз-зоирин*»да келтирилишича, Ҳазрати Сайид Ота тасаввуф тариқатлари ичида Яссавияи-жахрия силсиласи замирида ўтган пирларининг сулукини давом эттирар, аммо, она томонидан насаби Ҳазрати **Шайх Нажмиддин Кубро**га етишгани боис, гоҳо Кубравия тариқасига ҳам риоя қилар эди. Бу борада ул зот *касирул-вирд*, яъни кўп зикр айтувчи зокир бўлиб, бу амалда мустақим эди. Шу билан бирга пири тайинлаб кетган тасаввуфий вазифаларни доимий бажарар, аксар ҳолларда *мўътакиф*, яъни хилватда танҳо гўшанишинлик қилар, бунақа *эътикоф* – чилладаги доимий ибодат, қирқ кун давом этарди. Гоҳо ўн кунда, гоҳида эса икки ва уч чиллани орқама кетин давом эттирарди.

Нақл борким, Ҳазрати Сайид Отага жазабанинг ҳақиқийси етган эди. Эллик йил *мажзуб* (яъни, жазабада Худо йўлида мажнунсифат, девонавор юриш) ва *мустазриқ* (бу ишларда тамоман ғарқ бўлиш) бўлиб, бу муддатни қирқ чиллада адо этган. Ва бу улуғ чиллада ўн бир минг толиби содиқни ва *солик* (тариқат йўлидан юрувчи)ни тарбият этиб, валийликнинг олий даражасига етказган ҳамда *рухсати куллий* (доимий қўл олиш рухсати) ва ҳар бирига халқни *иршод* (пирликка рухсат берувчи хужжат) этиш ҳуқуқини бериб, ҳидоятга бошлашни буюрганлар.

Ҳазрати Сайид Ота йигирма бир йил диний илмларни ўрганиш билан машғул бўлиб, йигирма саккиз йил тариқий ишларга кўшиш қилганлар ва ўн беш йил пирлик ҳидоят маснадига ўтириб, халқни Ҳақ йўлига бошлаганлар. Умрлари охирида етти йил машриқ кофирлари билан ғазовот уруши олиб борганлар.

Қачонким, умрлари охирлашиб *риҳлат* этиш (дунёдан кетиш) вақти яқинлигини тушуниб, барча халифаю асҳобларини жамладилар. Сўнг, тўнгич ўғиллари **Сайид Умар**ни чақириб, ўз жойнамоз ва муборак *ридоларини* унга топшириб шундай васият қилдилар: *«ўтган пирлар тариқини дўст тутиб, уни ривожига қўйиш этинг, муришдлар чирогини равшан ёқинг»*.

Шундан сўнг иккинчи фарзандлари **Сайид Абдулло Зарбах**шни чорлаб, ўз пирлари Ҳазрати Занги Отанинг муборак ассо (ҳасса)ларини бериб бу зотга ҳам васиятлар қилдилар. Кейин эса зикрга охирги марта машғул этиб, Ҳақ раҳматига восил бўлдилар ва жонларини Ҳақга таслим этдилар. Ул зотнинг вафот саналарини манбалар 691//1292 йил деб хабар беришади.² Муборак қабрлари Хоразмга қарашли Орол мавзеида, Жайхун дарёси яқинидаги Окқўрғон деган ерда Ҳаким Ота бирла бир ҳазирада дафн этилгандир.

Кубравия тариқати муришиди Шайх Хусайн Хоразмийнинг мақомоти *«Жодатул-ошиқин»* муаллифи Шарафиддин Хусайний бу мавзенинг XVI аср иккинчи ярмидаги ҳолатини шундай тасвирлайди: *«...саҳро ўртасида Боқиргон Ота деган мавзе бўлиб, Хоразмдан икки кунлик йўлду; Ва Ҳазрати Сайид Ота, Хубби Хожа ва Ҳаким Оталарнинг мазорлари ўша мавзедадир, унинг яқинида сувли жар (чашма) ҳам мавжуд, зиёратчилар ҳам бориб туришади; у ерда Ғойиблар масжиди деган жуда ката ўрин ҳам бор...»*.

Фитратнинг фикрича, вафотидан бир муддат олдин Сайид Ота ўз пири (Занги Ота)нинг пири Ҳаким Ота мазорида шайхлик қилган эканлар. Ҳаким Отанинг ўғли Хубби Хожа ҳам отасининг мазорида шайхлик қилиб вафот этгач, отаси ёнида қўмилган.

² Носириддин Хусайн Бухорий. *Тухфатуз-зоирин*, 88-саҳифа.

САЙИД ОТА ВА ЎЗБЕКХОН

Дунёдаги аксарят туркшунос олимлар «Ўзбек» миллати ва давлати номининг келиб чиқишини Олтин Ўрда хони Ўзбекхон ва унинг пири Сайид Отага боғлаб келишади. Негаки, «ўзбек» топоними Сайид Ота ва Ўзбекхон даврларигача умуман тарихда тига олинмаган ва учрамаган эди.

Устоз домла академик Бўрибой Ахмедов бу соҳада кўп тадқиқотлар олиб борган ва асарлар ёзган. Шу билан бирга Н.Аристов, А.Якубовский, П.Иванов каби йирик рус тарихчилари Г.Ховорс, А.Вамбери, М.Чапличка каби Европа тарихчилари айнан юқоридаги фикрни ёқлаб асарларида ёзишган. Аммо, В.Григорьев ва А.Семёнов каби бошқа фикрни ёқловчи олимлар ҳам мавжуд эди.³

1290-1312 йилларда Олтин Ўрдада ҳукм сурган Тўқтағухон ўлгандан сўнг ўн уч ёшли ўғли Ўзбекхон (1312-1342) хон бўлади. Ўша даврларда ғазовот саъйи билан бу юртларда юрган Ҳазрати Сайид Ота бу хонга исломнинг устувор ва ҳақиқий динлигини исботлаб бергач, Ўзбекхон ислом динини қабул қилиб, мусулмонлик билан шарафланади ҳамда Сайид Отага иродат қўлини бериб мурид тушади.

Сайид Ота унга **Муҳаммад Ўзбекхон** номини бериб, барча халқини Мовароуннаҳрга олиб ўтиш таклифини беради. Бу, Муҳаммад Ўзбекхонга маъқул тушади ва аксарият халқини ҳозирги Ўзбекистон заминига кўчиртиради. Халқининг қолган қисми Қолмоқ (яъни, кўчмай қолиб кетган маъносида) номини олади ва бу халқ ҳозирги Русия давлатининг Калмикия худудида жойлашгандир. Ушбу нақл ҳозирга қадар устувор тарзда ёзилиб келинмоқда.

Бу борада қадимий манбаларга мурожаат этсак!

Мирзо Улуғбекнинг «*Тарихи арбаъи улус*» асарида: «Ўзбекхон Ўзбек улусига (дар улуси ўзбак) подшоҳ бўлди»,

³ Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар, Тошкент. Ўқитувчи, 1994. 60-бет.

деб ёзилган. Сўнгра, 720/1320 йилда Сайид Отанинг саёо ҳаракати билан Дашти Қипчоқ аҳолисидан мусулмон динини қабул қилганларни ўзбеклар, қабул қилмаганларни эса қалмоқ (қалмиқ) деб атай бошлаганлари ёзилган.

Абулғозийнинг «*Шажари турк*» асарида эса ушбу тарда келтирилган:

«Ўзбекхон бин Тўқтағухон бин Мангу Темурхон бин Буқохон бин Ботухон бин Жўжихон бин Чингизхон. Отаси ўлгандан сўнг ўн уч ёшида Ўзбекхон хон бўлди. Тақи элни ота-бобосининг дастури бирлан забт қилди. Ҳар кимнинг мартабасини лойиқ ҳурмат қилиб инъомлар берди. Эл-улусни дини исломга кирғузди. Барча халқ ул соҳиби давлатнинг сабабиндин шарафи исломга мушарраф бўлдилар. Андин сўнг барча Жўжи элини «Ўзбек эли» дедилар. То қиёматгача ҳам айтқуси турурлар. Дод ва адлнинг додин берди. Икки мартаба Эрон юртига Абу-саидхон устига борди. Тақи Эронни ола билмай қайтиб келди. Ахирул-амр дунёдин нақл қилди».⁴

XIII асрнинг 40-йилларида Ботухон томонидан тузилган Олтин Ўрда давлати «Жўжи улуси деб ҳам аталиб) Қуйи Дунай, Фин қўлтиғидан Иртиш хавзаси ва Қуйи Обғача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган жуда катта ҳудудни эгаллаган. Бошдан давлат 14 улусга бўлиниб, Жўжининг 14 ўғли идора қилишган ҳамда барчаси бош ўғил Ботухонга бўйсуннишган. Давлатда орқама кетин Мангу Темур (1267-1280), Тўда Мангухон (1280-1287), Тўда Буқохон (1287-1290), Тўқтағухон (1290-1312), Ўзбекхон (1312-1342) ва унинг вориси Жонибек (1342-1357) ҳукм суришган. Ўзбекхон ва Жонибек даврларида Олтин Ўрданинг ҳарбий қудрати ниҳоят даражада ошган.⁵ Шул тариқа, Ҳазрати Сайид Ота ана шундай қудратли давлат ҳудудида ўзининг тарикий саёо ҳаракатларини бошлайди.

⁴ Абулғозийхон. *Шажараи турк*. Тошкент, Ўзгон, 1992. 108-бет.

⁵ Б.Ахмедов. *Тарихдан сабоқлар*, Тошкент. Ўқитувчи, 1994. 60-бет.

Манғит шахзодаларидан Носириддин Ҳусайн ал-Ҳанафий ал-Бухорийнинг «*Тухфатуз-зоирин*»⁶ асарида Ҳазрати Сайид Отанинг фарзандлари ила шимолий дашт қабилаларига қарши ғазовот урушлари сабаби келтирилган.

Хоразмда халқни ҳидоят сари бошлаганидан саккиз йил ўтиб, Ҳазрати Сайид Ота туш кўради. Тушида Ҳазрати Пайғамбар(с) барча билан келиб, Сайид Отанинг аجدодларини таништирганларидан сўнг дейдилар: «Энди сиз ғазовот кўшишини қилинг!».

Уйқудан уйғонган Сайид Ота ўз фарзанди Сайид Умарни ёнига чорлаб, туш воқеасини сўзлайди. Сўнг улуғ халифалари бўлмиш Исмоил Отанинг ўғли Исҳоқ Отани ўз ўғиллари Сайид Умарга кўшиб ғазовотга юборади. Яъни, ўша кундан бошлаб Исҳоқ Отани ўғиллари Сайид Умарга халифа этиб тайинланади.

Сайид Умар ибн Сайид Ота ва Исҳоқ Ота ибн Исмоил Оталар биргалашиб ислом лашкарига бош бўлишади ва Булғор шаҳри куффорлари билан ғизо уруши олиб бориб, ғалабага эришадилар ҳамда музаффарият билан қайтадилар. Улар шул тариқа ҳар йили ғизо қилишар эди.

Сайид Отанинг ўзлари ҳам ғизо тараддудига тайёргарлик кўриш олдидан Хоразм подшоҳи олдига бориб туш ва ғизо воқеасини баён этади. Хоразм подшоҳининг номи Хон Султон бўлиб, аббосий халифа Ҳорун ар-Рашид авлодидан эди. Шундай қилиб, улар ҳамкорликда куффорларга қарши ғизо уруши олиб боришарди.

Шундай ғизоларнинг бирида Ҳазрати Сайид Отанинг фарзанди аржуманди Сайид Умар душман кўлига асирликка тушади ва қандайдир муъжиза туфайли омон қутилади. Бу ҳақда Фахруддин Али ас-Сафийнинг «*Рашиҳоти айнул-ҳайёт*» асарида Нақшбандия-Ҳожагон тарқатининг улуғ муршиди Ҳазрати Азизон-Ҳожа Али Ромитанийга аталган бобда шундай келтирилган:

⁶ Носириддин Бухорий. *Тухфатуз-зоирин*. 1904йил, Бухоро чопаси, 86-87 саҳифалар.

«Манқулдурким, Ҳазрати Сайид Отоким, зикрлари Ҳазрати Хожжа Аҳмад Яссавийнинг силсилаларида ўтуб эрди, Ҳазрати Азизон Хожжа Али Ромитаний бирла бир замонда эрдилар ва гоҳ-гоҳ бир-бирларига мулоқот қилур эрдилар. Ва Ҳазрати Сайид Отонинг мабодийи ҳолда уларга инкорлари бор эркан. Бир кун Ҳазрати Сайид Отадан уларга нисбат тариқи одобга мунофий суврата воқеъ бўлубдур. Иттифоқо, шу кунларда турклардин бир жамъе Даши тарафидин чаповул этибдурлар ва Сайид Отонинг бир ўғулларини асир этиб олиб кетибдурлар. Ҳазрати Сайид Ото мутанаббих бўлуб билибдурларким, бу ҳодиса ул бе-одобликнинг воситаси бирла воқеъ бўлиб турур, мақоми маъзаратга келиб ва тартиб суфра этиб, Ҳазрати Азизонни зиёрат расми бирла илтимос этдилар ва қўб ниёзмандлик қилдилар ва улар Ҳазрати Сайид Отанинг гаразларига мутталиъ бўлуб ва илтимосларини қабул этиб, зиёфатларига ҳозир бўлдилар. Ва ул мажлисда ақобири уламо ва машойихи вақтдин қўб эрдилар ва ул кунда Ҳазрати Азизонга кайфияти азим рўй бериб эрди. Вақтлари бағоят хуш эрди. Вақтеки, ходим намакдон келтуруб суфрани ерда қўйди, улар айтдиларким: «Али намакка қўл урмас ва таомга қўл узатмас то Сайид Отанинг фарзанди бу суфра бошида ҳозир бўлмагунча». Ва бу сўздин сўнг лаҳзае маскут этдилар ва ҳозирлар ҳаммалари ул нафаснинг мунтазири бўлдилар. Бу ҳолда ногоҳ Сайид Отанинг фарзандлари ул уйнинг эшигидин кирдилар. Баякбор ул мажлисдин шўру гавго турди ва одамлар ҳайрон ва мадҳуш бўлдилар. Ундин келганлигининг кайфиятини сўрадилар. Айтдиким, ман мундин зиёда билмасманким, ҳоли турклардин бир жамеъининг қўлида асир эрдим ва мани банд этиб ўз диёрларига олиб борур эрдилар ва эмди кўрарманки, сизларнинг ёнингизда ҳозир турурман». Аҳли мажлисга яқин бўлдиким, ул тасарруф эрканким, Ҳазрати Азизондан воқеъ бўлибдур. Ҳамма бошларини аларнинг оёқларига қўйдилар ва иродат қўлини бердилар».⁷

⁷ Фахруддин ас-Сафий..Рашахот.Т. Ибн Сино.2003.(М.Хасаний, Б.Умрзоқ таҳия).

Ҳазрати Сайид Ота умрининг етти йилу тўрт ойини кофирларга қарши ғазовотларга бағишлайди ва илоҳий фазлу нусратлар орқали зафарларга эришиб, кўплаб ғанимат хазиналарни қўлга киритиб ислом лашкарини қувватлантирар ҳамда машриқ заминлари халқларини ислом динига киритар эди. Ҳазрати Сайид Отадек пиру муршидларнинг бу каби йирик ғазовотларга киришлари тасаввуф тариқатлари тарихида кам учрайдиган ҳол эди.

Татаристон илмий тарихшунослигининг асосчиси Шаҳобиддин Маржонийнинг «*Мустафодул-ахбор фи аҳволи Қазон ва Булғор*»⁸ асарида ёзилишича, ўша юртнинг машҳур мақоли «*Дин Ўзбекдин қолди*» дейилган. Кўриб турганимиздек, Сайид Ота сабабидан исломга кирган Ўзбекхон тарихда шундай шухратли ном қолдирди.

⁸ Шаҳобиддин Маржоний. Мустафодул-ахбор. Қазон (Русия). 1885й. 104-саҳифа.

ИККИНЧИ БОБ

ЯССАВИЯ ТАРИҚАТИ МУРШИДЛАРИ ХОЖА АҲМАДИ ЯССАВИЙ

Номлари Хожа Аҳмад, таҳаллуслари эса: Яссавий, Кул Хожа Аҳмад, Кул Аҳмад. Таваллуди Ясса шаҳрида воқеъ бўлган. Бу зоти боборакот Яссавия-султония силсиласининг асосчиси бўлиб, Ўрта Осиё тасаввуфининг тузувчи устунларидан бири Ҳазрати Хожа Юсуфи Ҳамадонийнинг (1140й. вафот этган) учинчи халифаларидир. «*Хожа Аҳмади Яссавий мақомоти*» китобини ёзган Сўфи Донишманд ва «*Ниҳоя*» китобига шарҳ ёзган муаллифлардан бири Имом Сағноқийларнинг таъкидлашларича, бошқа томондан Ҳазрати Хожанинг иродатлари Шайх Шаҳобиддин Сухравердий-Сиддиқийга ҳам уланар экан.

Ёшлиқда бу силсила пешқадамларидан бири Арслонбобга шогирд тушади ва шу зотнинг васиятларига кўра Бухорога бориб Ҳазрати Хожа Юсуфи Ҳамадонийнинг хизматларига эришади. Сўфи Донишманднинг «*Маноқиб*» китобига қараганда Ҳазрати Яссавий ботиний тарбиятни Хизр(а)дан олган. Мавлоно Абдурахмони Жомийнинг «*Нафаҳотул-унс*» асарида Хожаи Жаҳон-Абдулхолиқи Ғиждувоний ҳам хуфия тариқида зикр айтишни Хизр(а)дан олганини ёзади. Аммо, Ҳазрати Яссавийга ҳам устозлари Ҳазрати Ҳамадоний каби жаҳрий зикр айтиш буюрилган.

Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий турк машойихларининг султонул-орифини ва маънавий отаси ҳисобланадилар. Шул боис ҳам баъзи манбаларда ул зотни «Ота Яссавий» деб ҳам атаб, издош ва пайравларини ҳам «Ота» қўшимчаси билан атай бошлаганлар. Ҳазратнинг туғилмиш жойлари Ясса (ҳозирги Туркистон) шаҳридир.

Ҳазрати Ҳамадоний тўрт халифани тарбиялаганлар. Булар: Хожа Абдулло Барқий, Хожа Ҳасани Андоқий, Хожа Аҳмади

Яссавий ва Хожа Абдулхолиқи Гиждувонийлардир. «*Қандия*» ва «*Рашаҳоти айнул-ҳаёт*» китобларида келтирилишича, Ҳазрати Ҳамадонийнинг вафотларидан сўнг шоғирдлари бирин-кетин иршод маснадида ўтирадилар.

Қачонким, Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавийга навбат етгач, Бухоро халқини даъват этиш билан машғул бўладилар. Не-ча вақтдан сўнг Ҳазрати Яссавийга ғайбдан ишора бўлгач, ўзларига тобеъ бўлган жами асҳоб ва муридларини Ҳазрати Хожа Абдулхолиқи Гиждувонийга топшириб, Туркистонга ташрифига азимати сафар қиладилар.

Носириддинтўра ал-Ҳанафий ал-Хусайний ал-Бухорийнинг «*Тухфатуз-зоирин*» асарида келтирилишича, Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий тариқати хонадонидан ўттиз машойиху бузургворлар етишиб чиқадиладар. Ва лекин Ҳазрати Хожанинг тўрт машхур халифалари бўлиб, улар: Мансур Ота, Сабид Ота, Сулаймон Ота, Ҳаким Ота эдилар. Аммо, Ҳазрати султонул-орифин Яссавийнинг 99 минг комилу мукамалликка етишган муриду издошлари бўлган эди.

Ҳар кимгаким турк машойихлари аҳволларидан хабар топиш завқи бўлса, юқоридаги асарлардан ташқари Носириддин ал-Ҳанафи ал-Хусайни ал-Бухорийнинг «*Канзул-атақия*» номли асарига ҳам ружў қилсин.

Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий 562/1166 йилда Ясса (Туркистон) шаҳрида вафот этган ва қабрлари устида соҳибқирон Амир Темур томонидан мақбара курдирилгандир.

ҲАЗРАТИ ЯССАВИЙ ХАЛИФАЛАРИ

Аҳли тасаввуфнинг аксарият арбоблари каби, Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳам тўрт халифалари бўлган. Булар – Мансур Ота, Саъид Ота, Сулаймон Ота ҳамда Ҳаким Оталардир.

Ушбу халифалар тўғрисида кўплаб қадимий асарлар маълумот беришган. Чунончи, Абдурахмони Жомийнинг «*Нафаҳотул-унс*», Али ас-Сафийнинг «*Рашаҳоти айн ул-ҳаёт*», Олим Шайх Азизоннинг «*Ламаҳот мин нафаҳотл-қудс*», Мақсуд ибн Носириддин Бухорийнинг «*Равойиҳ ул-қудс*», Носириддин тўра Бухорийнинг «*Тухфат уз-зоъирин*», Яссавия тариқатининг туркум мақомот ва маноқибларида ушбу халифалар тарихлари баъзан нисбатан тўлиқ, баъзан йўл-йўлакай ҳамда у ёки бу тарзда тилга олингандир. Булардан ташқари яна XIX аср охиридан бошлаб турли ўлкаларда чоп этилган литографик китоблар ҳам бўлиб, кўпинча улар юқорида келтирилган асосий қадимий манбалардан фойдаланишган.

БИРИНЧИ ХАЛИФА – МАНСУР ОТА

Бу зот Хожа Аҳмади Яссавийнинг биринчи халифалари бўлиб, Боб Арслоннинг фарзандлари эди. Зоҳирий (дунявий) ва ботиний (руҳий-тасаввуфий) билимлар соҳиби эди. Ёшлигида илк тарбиятларни отаси Боб Арслондан олган. Отаси вафот этгач, ота васиятига кўра Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавийга шогирд тушиб, тақомилга етишган. Ул зотнинг вафоти 594 (1197) йилда содир бўлган.

АБДУЛМАЛИК ХОЖА

Мансур Отанинг тўнғич фарзанди. Отаси вафотидан сўнг ўрнига қоим-мақом ўринбосар-халифа бўлади. Толибларга тариқат йўлига иршод берар ва солиқларни тарбияси билан машғул бўлиб, то вафот этганича фаолият кўрсатади.

ТОЖ ХОЖА

Бу зот Абдулмаликхожанинг фарзанди бўлиб, Занги Отанинг эса отаси эди. Халқни тариқат йўлида ҳидоятга бошлар эди.

Мақомотларда халифалардан ташқари Абдулмаликхожа ва унинг ўғли Тожхожаларнинг келтирилиши уларнинг фарзанди Занги Ота туфайлидир. Чунки, Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий асос солган Яссавия тариқатининг энг машхур йўналishi бўлмиш «силсилаи шариф сулуки» (яъни, Яссавия жаҳрияи султония) айнан Занги Ота уланган олтин занжир орқали тарқалгандир.

ИККИНЧИ ХАЛИФА – САЪИД ОТА

Фахруддин Али ас-Сафийнинг «*Рашаҳоти айнул-ҳаёт*» асарида ёзилишича, бу зот Хожа Аҳмади Яссавийнинг иккинчи халифаси бўлиб, пирининг ишорати ила муридлар тарбияси билан машғул бўлган. Умуман манбаларда бу зот тўғрисида жуда кам маълумотлар мавжуддир.

УЧИНЧИ ХАЛИФА – СУЛАЙМОН ОТА

Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавийнинг учинчи халифалари бўлиб, туркий забон ҳикматсароларнинг улуғларидан эди. Ул зотнинг ҳикматлари дарвешларнинг турмуш тарзи нуқтаи назаридан айтилган ва Туркистонда жуда машхур бўлган.

ТЎРТИНЧИ ХАЛИФА – ҲАКИМ ОТА

Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавийнинг тўртинчи халифалари. Ҳазрати Ҳаким Ота туркий назмда минглаб ҳикматлар айтган ва бу ҳикматлари халқ орасида машхуру манзур бўлган.

«Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс» китобида келтиришларича, Ҳазрати Ҳаким Ота шариат илмида 30 мингта ҳикмат, тариқат борасида 30 мингта ҳикмат ва ҳақиқат борасида ҳам 30 мингта ҳикмат айтган экан. Силсилаи шариф ул зотга боғлангандир.

Манбаларнинг далолат беришича, Ҳаким Ота доим пири Хожа Аҳмади Яссавий ёнларида юрар эди. Бир куни, хотирларидан шу кечади: «Кўплар халқ иршоди мақомига етишди. Бу камина эса қолди». Бу султонул-орифин Хожа Аҳмади Яссавийга аён бўлиб, шу ондаёқ буюрдиларким: «биз истар эдикки, ҳаётлик чоғимизда бирга бўлсак, вафотимиздан сўнг бир жойга дафн қилинар эдик; энди сизга рухсати куллий бердик ва халифа қилдик. Сиз Хоразм вилоятига бориб толибларни тарбия қилинг».

Ҳаким Ота туяга миниб сафарга чиқади ва Хоразмга етади. Хоразм вилоят подшоҳи ул зотни бир кўрикда синаб кўрмоқчи эди. Ўша кўрикда бир шайх қўлига чўп олиб Ҳаким Отанинг туясини уриб турғазмоқчи бўлади ва шу заҳоти кўли куриб шол бўлиб қолади. Подшоҳ буни кўриб, синаб кўрганлиги учун узр сўрайди ва қизи Анбар Онани Ҳаким Отага никоҳлаб беради. Улардан Ҳубби Хожа туғилади.

Нақл борким, Ҳубби Хожа камолотга етгач, ундан ғаройиб ишлар зоҳир бўлар, жумладан озгина вақтда узоқ масофани босиб ўтарди. Ҳаким Ота бир куни Анбар Онага дедилар: «сенинг ўғлинг Ҳубби Хожа яхшими ё менинг ўғлим-муридим Занги Отами?». Ўша пайтда Занги Ота Тошкентда, Ҳубби Хожа эса Туркман вилоятида бўлишган экан. Шу чоғ Ҳаким Ота «ё Занги» деб чакирадилар. Занги Ота дарҳол ҳозир бўлдилар. Анбар Она уч марта чақиргандан сўнггина Ҳубби Хожа ҳозир бўлади.

Яна нақл қилишларича, бир савдогар Ҳаким Ота ҳузурига келиб катта нарзу ниёзни қўйди ва деди: «бу Ҳубби Хожа ҳазратларига нарз қилинди; бизнинг кемамиз чўкаётганида биз ул зотга атаб нарз қилгандик ва омон қолдик». Ҳаким Ота Ҳубби Хожани йўқлаб бу ҳақда сўрайдилар. У киши деди:

«Бу кема аҳли мендан ёрдам сўрашди, мен бир тасмани дарёга отиб кемани тортдим ва уларга ёрдам бердим». Буни эшитган Ҳаким Ота ғайратга келиб дейдилар: «Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди». Бунга жавобан Ҳубби Хожа дейди: «Шохини синдирса қайнайди». Шундан сўнг ул зот ота ҳузурдан чиқиб ўз ҳужрасига кириб кетгунча қайтиб ҳеч ким анча вақт унинг дарагини топа олишмаган экан.

«*Рашаҳоти айнул-ҳаёт*» китобида келтиришларича эса, бу ҳикматлар «*Фавоиди анфос*» туркуми остида машҳур бўлган. Ул зотнинг машҳур фалсафий ҳикматларидан бири ушбу эди:

**«Ҳар ким кўрсанг – Хизр бил,
Ҳар тун кўрсанг – қадр бил.»**

Таржимаси:

*Ҳар бир кишини иззатлаб, Хизр каби бил,
Ҳар кунни ғанимат кўриб, қадр кечасидек бил.*

Яъни, ҳаётда, муомалада барчани ўзингдан улуғ кўриб, тақсир бўл ва ҳар кунни ғанимат ва қадрли билиб, беҳуда сарфлама маънисидадир.

Бу ҳикматлар билан Ҳазрати Ҳаким Ота инсонларни бир-бирларига нисбатан меҳрли бўлишга ҳамда ҳар бир ўтган кунни беҳуда ўтказмай, халққа хизмат билан, меҳнат билан фойдали ўтказишга чақирадилар.

Ва нақл борким, Ироқ шайхлари Хуросон уламоларидан тавҳидга оид бир мушкул саволга жавобни сўрабдилар. Хуросон шайхлари ҳам ўз навбатида жаҳрия тариқати шайхларидан ушбу саволга жавоб беришни сўрайдилар. Тариқат акобирлари Ҳаким Отанинг ушбу ҳикматини жавоб тариқинда юборибдилар:

**Барча яхши, биз ёмон,
Барча бугдой, биз сомон.**

Ироқ машойихлари бу жавобни қабул қилган эканлар. Чунки, бу ҳикматда тасаввуф аҳлининг асосий атворларидан бири камтарлик сифати ҳақида мушоҳадалар юритилган.

Ҳазрати Ҳаким Ота пирлари Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавийнинг ишоралари билан Хоразм вилоятига бориб, у ердаги халқни тариқат йўлида такомиллаштирганлар ва 1191 йилда⁹ ўша ердаги Оққўрғон мавзеида вафот этган эканлар.

СЎФИ ДОНИШМАНД

Бу зот Хожа Аҳмади Яссавийнинг издош муридларидан бўлиб, пири тўғрисида илк *«Мақомот»* тасниф этган эди. Ниҳоятда донишманд, ўта шариатли ва тақводор бўлгани учун ҳам лақаби «Донишманд» бўлган. Вафот этгач, Яссининг Ўтрор мавзеида, Боб Арслон қабри ёнида дафн этилган. Кўпгина ёзишма ва чоп этилган китобларда юртимизнинг йирик олимлари ул зотни *«Яссавийнинг учинчи халифаси»* деб адашиб ёзишмоқда.

ЗАНГИ ОТА

Бу бузурквор Тошкент (Шош) шаҳрида туғилган ва вафот этган бўлиб, Ҳазрати Ҳаким Отанинг энг аввалги халифаларидан эди ва “Занги бобо” деб ҳам атардилар. Шунинг учун ҳам “Занги” деб ном олган эдиларким, баданлари ва юзлари қорамтир, қорачадан келган киши эди. *“Тухфатул-зоъирин”* (муаллифи Носириддин Бухорий) китобида ёзилишича Занги Отанинг насаби шул тариқадур: Занги Ота ибн Тожхожа ибн Абдулмаликхожа ибн Боб Арслон эди.

“Рашаҳоти айнул-ҳаёт” ва *“Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс”* асарларида келтирилишича, Занги Отанинг пирлари бўлмиш Ҳаким Отанинг Анбар она номлиқ хотинлари бўлиб, бир куни бу аёлнинг хотирига эри Ҳаким отанинг қорачадан

⁹ Йирик адабиётшунос Фитрат фикрича Ҳаким Ота 1186 йилда вафот этган.

келган чехрасига нисбатан афсусгарлик уйғонибди. Ҳаким Ота каромат юзасидан хотинининг хотирасидаги бу фикрни ўқиб дебди: “Яқиндурки, мендан ҳам қорароқ одамга мушарраф бўласан”. Кўп ўтмай Ҳаким Ота вафот этгач, муриди Занги Ота тул қолган хотинни ўз никоҳига олиш мақсадида одам юборибди. Занги отага тегишни ўзига ор билган Анбар она рад жавобини беради ва ўша куни боши гарданига қийшайиб қолади. Шунда Занги ота маҳрам орқали шу сўзларни айтади: “Хотирингда бўлса, сен Ҳаким Отанинг юзи қорамтирлигини айблаганингда, Ҳаким Ота: “Яқиндурки, мендан ҳам қорароқ одамга мушарраф бўласан” – деган эдилар”. Маҳрам келиб бу сўзларни Анбар онага айтади. Анбар она Ҳаким Отанинг башоратини эсга олиб йиғлайди ва никоҳга рози бўлади. Ўша куниеқ у аёлнинг боши сихат топиб тузалади. Яна бир нақл қилишларича, Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро¹⁰ Ҳазрати Занги Отага ҳамаср бўлган ва ўзининг ҳасса ва жойнамозини туҳфа қилиб юборган. Занги Ота 1258 йилда вафот этган эканлар. Ул зотнинг тўрт халифаси бўлиб, улар: Узун Ҳасан Ота, Сайид Ота, Садр Ота ва Бадр Ота эдилар.

УЗУН ҲАСАН ОТА

«*Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс*»да Узун Ҳасан Отанинг номи яна Усуллик Ҳасан Ота лақаби билан машҳур бўлгани ҳам ёзилган. Бу зот Занги Отанинг тўрт халифаларини аввалгиси эди.

Олим Шайх Азизоннинг нақл қилишича, Узун Ҳасан Ота, Сайид Ота, Садр Ота ҳамда Бадр Оталар Бухорода бир хонадонда туриб дарс ўқишган. Булар барчаси зоҳирий (дунёвий) илмни тамомлаб, ботиний (руҳий-тасаввуфий) илм талабида хонумонларини тарк этиб, Туркистон сари йўлга чиқишади ва Тошкент яқинидаги бир саҳродан ўтишарди. Бир қора ранг-

¹⁰ Кубравия тариқати асосчиси Абулжаноб Аҳмад ибн Умар Хевақий (1145-1221).

ли, лаблари туя лабидек киши молларини боқиб юрганини кўришади. Бу киши Занги Ота эди. Аҳли хонадонларини боқиш мақсадида, Тошкент аҳлининг подасини боқар, бомдод намозидан сўнг зикр ва жаҳрга машғул бўлар, моллари эса ҳеч қачон тарқалмай, атрофларида айланиб юрарди.

Толиби илмлар Ота ҳузурига келиб кўришсаки, бир оёқ яланг киши дашт тиконларини йиғиб арқонга боғлар, лекин оёғига тикон кирмас эди. Ажабланиб, у киши олдиларига келишади ва салом беришади. Ота алик олиб, «сиз бу диёрларда бегона кўринасизлар, кимсизлар ва қаердан келаётурсиз», деб сўрайдилар.

Келгиндилар: «Биз толиби илмлармиз, Бухорода ўқиб юрар эдик. Ногоҳ бизларнинг дилимиз муталаа ва мувоҳасадан зерикди ва ботиний йўللарга кириш истаги туғилди. Ҳақиқат талабиди йўлга чиқдик, токи ҳақиқат ҳиди бизнинг ҳам димоғимизга етса. Ҳар тарафга юриб бир муршиди комил излармиз, топсак ундан мулозамат ва мутобиатини қоим қилиш ниятидамиз. Шояд, шундан сўнг (Илоҳий) висол даражасига етсак».

Ота дедилар: «Ундай бўлса, мен бир ҳидлаб кўрайчи, сўнг ўша муршидга бориш йўлини сизга кўрсатурман». Кейин Ота тўрт тарафга қараб бир муддат оламнинг тўрт рукнидан ҳидлаб, дедилар: «Тўрт тарафдан ҳид олдим, аммо ўзимдан бошқа муршидни сизлар учун топа олмадим, энди ўзим нуқсонларингизни поклаб сизни Ҳаққа етқаргум».

Узун Ҳасан ва Садр Ота инкор қилмай ўйлабдиларки, «Ҳақ субҳона ва таоло мана шу қора одамга ўз нурини омонат қўйишга ҳам қодирдир», деб шу заҳотиёқ иродат қўлларини Занги Отага берибдилар.

Сайид Ота ва Бадр Оталар дилида эса инкорлик кайфияти пайдо бўлади. Сайид Ота ўйланибди: «мен олам сайид бўлсам, энди мана шу қора подачига бўйсунаманми?!». Бадр Ота ҳам ўйлабди: «бу туя лабли нима даъво қилмоқда?».

Аммо, Занги Ота ушбу тўртовлоннинг кўнглини тасаруф этиб, ўз томонларига буриб қўйяди. Ушбу тўрт нафар-

дан биринчи бўлиб иршодга сазовор бўлган зот Узун Ҳасан Ота эди.

Узун Ҳасан Ота ботиний илмдан ташқари зохирий усул илмида ҳам замонасида беҳамто ва беназир бўлганлари боис, Усуллик Ота лақабини ҳам олган эдилар.

Ушбу пиру муршиднинг қабри Туркистон яқинида, Сайхун (Сирдарё) дарёси соҳилидаги Узунада номи билан танилган мавзедадир.

САЙИД ОТА

Ушбу китоб ёзилишига сабабчи бўлмиш бу зот Занги Отанинг иккинчи халифалари бўлиб, зикрлари алоҳида бобда юқорида берилди. Шунини айтиб ўтишимиз жоизким, агарчи Яссавия жаҳрия силсила сулуки арбоблари Занги Отанинг учинчи халифаси Садр Ота орқали тарқалган бўлсада, Яссавия тариқатининг ўнлаб, балким юзлаб машҳур арбоблари орасида Сайид Ота қўл билан санокли буюк арбобларидан бири сифатида танилганлар ва Яссавия-Султония силсила сулукининг давомчиси бўлганлар.

ИСМОИЛ ОТА

Бу зот Сайид Отанинг яқин асҳоби ва энг улуғ халифалари эди. Исмоил Ота туғилган вақтларида оталари чақалоқни Узун Ҳасан Ота хузурларига олиб бориб дуои хайр сўраганларида, Узун Ҳасан Ота чақалоқнинг оғзига табаррукан туф-туфлаб қўйган эканлар. Баракотларнинг ҳаммаси ўшандан бошланган.

Исмоил Ота Сайрам билан Тошкент ўртасида жойлашган Хузён мавзеида яшар эдилар. Одамлар доим ул зотнинг орқаларидан ғийбат ва мазаммат қилсалар, Ота бу ишдан ранжмай, — муллалар менинг сабуним ва нонимдур, — дер эканлар.

Нақшбандия тариқатининг буюк арбоби, «Иккинчи Нақшбанд» лақабини олган Ҳазрати Хожа Аҳрори Валининг Исмоил Отанинг бу сўзларини бағоят чиройли ҳисоблар ва ях-

шилик ила эсга олиб дер эдилар: «Одамлар аввалида Исмоил Отага эътироз билдирар эканлар; бунга жавобан Исмоил Ота дердиларки, -менинг уларни сўзларига ишим йўқ, ошини бердим, таблини (яъни, ногорасини) қоқарман».

Яна ул зотнинг чиройли фалсафий сўзларидан ушбуким, дер эдилар: «Офтобда соя бўл, совукда жома (тўн) бўл, очликда эса нон бўл».

Исмоил Ота вафот этгач, юртлари Хузён мавзеида, оталари ёнида дафн этилганлар. Замонаси келиб, Амир Темури соҳибқирон Исмоил Отанинг қабри узра катта мақбара қурдирган эди.

Исмоил Отанинг Исҳоқ Ота номлик ўғиллари бўлиб, Сайид Отанинг ўғилларига халифа эди. Исҳоқ Ота ҳам отасидек камолга етишган ва Тошкент ва Сайрам ўртасидаги Исфинжоб қишлоғида фаолият кўрсатган эди, токи вафот этгунича.

САДР ОТА¹¹

Ушбу бузургвор Занги отанинг учинчи халифаси бўлиб, асл номи Мавлоно Садриддин эди. Насаби амиралмуъминин Ҳазрати Алига бориб етарди. «*Музаққирул-аҳбоб*» муаллифи Ҳасанхожа Нисорий ўз насабини Садри Отага етказди ва Садри Отани эса Занги Отанинг фарзанди, деб таъкидлайди.

Яссавияи-жаҳия силсиласи арбоблари Садри Ота орқали боғланадилар. Муршиди Занги Отага дарҳол иродат келтирган ва хизматлар туфайли такомиллаша бориб улуғ муршидга айланган. Манбаларга қараганда ул зот вафот этгач, Ўртасаро(й) деган қарияда, Тошкентдан икки фарсах (24 км) йўл узоқликдаги жойда дафн этилган.

¹¹ «Музаққирул аҳбоб»да Садри Отани Занги Отанинг ўғлидир, дейилган.

БАДР ОТА

Юқоридаги бобларда айтиб ўтганимиз, қачонким тўрт толиби илм – Узун Ҳасан Ота, Сайид Ота, Садр Ота ва Бадр Ота дунёвий илмларни эгаллашгач, сўфийлик тариқати илмларини ҳам эгаллаш ниятида пири комил ахтаришиб, Занги Отага учрайдилар ва пир ахтариб юришганликларини айтишади. Шунда Занги Ота уларга пир топишга ёрдам беришини айтиб, тўрт тарафга қараб бирма-бир ҳар тарафдан келаётган ҳавони ҳидлай бошлайди. Анча вақтдан сўнг шундай дейди: “Мен сизларга пир топиб бериш учун дунёнинг рубъи маскунидаги (яъни, Ернинг куруклик қисмидаги) жамии жойларидан муршид изладим; Ва лекин, сизларнинг нуқсонларингизни ҳайдаб баркамолликка етказувчи ўзимдан бўлак кишини топа олмадим”.

Занги отанинг бу сўзларини эшитган Узун Ҳасан Ота ва Садр Оталар шу ондаёқ иродатга қўл беришган. Аммо Сайид Ота ва Бадр Оталарнинг кўнгилларидан кечади: “биз сайид ва комил кишилар бўлсак-у, бу қора танли одам бизга қандай қилиб пиру-устозлик қила олади?” Каромат юзасидан уларнинг фикрлари Занги Отага аён бўлади. Шунинг учун ҳам кибрлари кетгунга қадар Занги Ота уларни анча йил тарбиялайди. Дарҳол иродатга юз тутган Узун Ҳасан Ота ва Садр Оталар эса тезда иршод ҳуқуқини оладилар.

Демак, тасаввуфда наслу-насаб, бойлику-давлат инобатга олинмайди; фақат дин ривожини ва халқ манфаатини йўлида қилинган хизмат ва тоат-ибодатлар каби амалларгина ҳисобга олинади. Тасаввуф аҳли ислом дини замиридаги кибру-ҳавойини нафслардан парҳезда бўлган энг тақводор табақа ҳисобланиб, ўз фазилатлари билан оддий халққа ибрат бўлишгандир.

УЧИНЧИ БОБ

САЙИД ОТА АВЛОДЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сайид Ота авлодлари бошқа йирик авлодлар каби юртимиз Мовароуннахр заминидида катта мавқега эга бўлиб келганлар. Кўп ҳукмдор сулолалари бу табақа вакиллари вақти-вақти билан нақиблик ва элчилик мансаби билан сарафроз этишганликларини куйида яна кўриб ўтамиз. Саҳиҳ манбалар бундан дарак беради.

Ҳофиз Танишнинг «*Абдуллонома*» (Шарафномаи шоҳий) асарида Шайбонийхон даврида сарой аъёнларидан бўлган бўлган сайидатойи авлодидан бири тўғрисида ушбулар ёзилган: «*Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни шаҳид қилиб, унинг аскарларини пароканда қилгандан сўнг, бўйсундириш арконини Ҳирот қалъасининг кунгираси устига отди. Мирзо Бобурнинг эгачиси Хонзода бегимни шаҳид хон (Шайбонийхон) талоқ қилиб, Сайид Отанинг авлодларидан бирига (хотинликка) берган эди*»¹²

Профессор А.Семёнов эса, Шайбонийхон Хонзода бегимни ўзига ҳамиша содиқ бўлган ва Саид Ота авлодидан бўлган Сайид Жаъфархожага хотинликка берган бўлса керак, деб фикр билдириб, шахс номини аёнлаштиради.¹³

Бу ҳақда профессор Б.Ахмедовнинг «Ўзбеклар улуси» китобида хусусан шундай ёзилган: «...1503 йилнинг баҳорида Шайбонийхон томонидан Балхга, Бадиуззамон Мирзонинг ҳузурига Сайид Жаъфархожа исмли одам юборилган».¹⁴

Демак, Шайбонийхон даврида ушбу авлод вакили нафақат тақдирланган, шу билан бирга нозик масалаларда элчи сифатида фойдаланилган.

¹² Хофиз Таниш. Абдуллонома. Тошкент. «Фан» 1966й. 1-том, 107-108бетлар.

¹³ Ўша асар, 267-изоҳ; А.Семёнов. Шайбанихан и завоевание империи Темуридов стр-80.; Мусаххирул-билод; Б.Ахмедов. Ўзбек улуси, Т. Кодирий 85-б.

¹⁴ Б.Ахмедов. Ўзбеклар улуси. Тошкент. А.Кодирий. 1992. 85-бет.

Биз қадимий манбалардан келтираётган баъзи шажараларнинг бирида шахс номи келтирилган бўлса, бошқасида лақаби келтирилган ва шу жиҳат билан фарқ қилади. Баъзи шажараларда китоб хаттотлари томонидан бир ё икки шахс ташлаб кетилган бўлса, бошқа китоб ё ҳужжатларда булар тўлиқ келтирилганини кўрамиз. Ва шу тариқа шажаралар тикланади.

Юқоридаги бобларда айтилганидек, Ҳазрати Сайид Отанинг асосан икки ўғилларининг номи китобларда келтирилган: тўнғич фарзанди-Сайид Умар ва иккинчи фарзанди эса Сайид Абдулло Зарбахшдир. Сайид Отанинг асосий самарайшажарай-тайибаси ушбу иккинчи ўғли Сайид Абдулло Зарбахшдан тарқалганини манбалар кўрсатиб турибди.

Тўнғич ўғилнинг саҳиҳ шажараси топилмади. Самарқанднинг Ургут туманидан бир адабиётчи ўқитувчи ўзи учун тузиб бизга келтириб кўрсатган «*Сайид Ота шажараси*» аталган ҳамда «*Сайид Иброҳим ибн Имоми Мусои Козим*» деб номланган ёзишмаларида ўзини Сайид Отанинг Умархожа номли ўғлига 14 ота билан етказган.¹⁵ Бу хулоса жуда нотўғри бўлиб, оддий шажарашунослик қондаси бўйича, 800 йил илгари ўтган тарихий шахсга 15 ота билан етишиш жуда камлик қилади. Чунки, қиёс тариқасида Махдуми Аъзам Даҳбедий ва Шайх Худойдоди Валилар даврларидан 475 йилча вақт ўтган бўлса-да, уларнинг ҳозирги ўрта ёш авлодлари бобокалонларга 12-15 ота билан етишишлари саҳиҳ шажараларида келтирилган. Юқоридаги Ургут шажарасида қарийб икки биробар ортиқ даврда (яъни, 800 йилда) 15 ота билан шажарани тузиб етказиш ақлга сиғмайди. Шунинг учун бу шажара гумонли саналиб ушбу китобимизга киритилмади. Биз учун асосан қадимий китобларда ва баъзи ишончли ҳужжатларда келтирилган авлодномаларгина далолатли ҳисобланади.

¹⁵ Ургутнинг Хўжақшилоқ мавзидан адабиётчи И.Салимий ёзишмалари.

САИИД ОТАНИНГ МАШҲУР АВЛОДЛАРИ САИИД АБДУЛЛО ЗАРБАХШ

Носириддин Хусайн Бухорийнинг «*Тухфатуз-зоирин*» асарида келтирилишича, бу зот Сайид Отанинг иккинчи фарзандларидир. Номи Сайид Абдулло, лақаби эса Зарбахш эди. Сайид Ота тўрт юзта муридларини Сайид Абдуллога ҳамроҳ қилиб Бухорога жўнатади. Сайид Абдулло отасининг амрига кўра Бухородаги Вардонза хонақоҳи шайхлиги маснадида ўтириб, йигирма йил давомида минг нафар муриддини валийликнинг олий даражасига етказди.

Умри поёнига етганини билгач, барча асҳобларини жамлаб ўз қабржойлари ўрнини ҳасса билан чизиб кўрсатади. Шундан сўнг, тўрт юз сўфийга хатти иршод бериб васият қилади: *«ким бизнинг зиёратимизга келса мушули осон бўлғай ва ҳожати раво бўлғай, агар толиб фарзанд бўлса сидқу ихлос ила келиб ниёзу назрини авлодга бериб бизнинг руҳимизга фотиҳа ўқиса муродига етар»*.

Ул зотнинг қабри Кўҳна Пойканд мавзеининг Қарокун йўлининг бошидадир.

Носириддин Хусайн Бухорийнинг «*Тухфатуз-зоирин*» асарида Сайид Отанинг иккинчи ўғиллари Сайид Абдулло Зарбахшдан тарқалган авлод силсилаларидан бир қанчаси келтирилганлиги, Сайид Отанинг самараи шажараи таййиба (асосий самарали авлоди) ушбу иккинчи ўғилларидан юртимизга тарқалган бўлса керак, деган тахмин юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ҳар ҳолда шу соҳага оид биз кўриб чиққан барча қадимий қўлёзма манбаларда асосан, ушбу иккинчи ўғилдан тарқалган авлод зикр этилган. Ушбу ўғилдан ушбулар тарқалган:

Сайид Абдулло Зарбахш, унинг ўғли **Сайид Акбар** (лақаби Амир Алоуддин Порсо), унинг ўғли **Сайид Шох**

Шамсимохрўй, унинг ўғли Сайид Амир Абдулмалик (лақаби Амир Аббоси Офтоб), унинг ўғли Сайид Фирузшоҳ (Амир Умари Қаттолқул), ул зотнинг онаси подшоҳ қизи бўлганким, йигирма уч йил салтанат тахтига ўтириб адолатли бўлган; унинг ўғли Сайид Мир Усмони тариқат (лақаби эса Сайид Ота Соний, яъни кейинги Сайид Ота) эди; Ул зот подшоҳликни тарк этиб етти марта пиёда ҳаж зиёратига борган, рутбаси баланд бўлиб, каромотлари машхур бўлган; Сайид Ота Сонийнинг муборак қабри Бухоро вилоятининг Шофирком тумани Каттақишлоқ мавзеининг Работ маҳалласида бўлиб, у Вардонза ва Гиждувон оралиғида жойлашган. Бу мавзеда Имом Али Жуббойининг ҳам қабри мавжуд бўлган. Бу ерда файзли мазор бошидаги мрамор иморат ҳам Сайид Ота Сонийга тааллуқлидир).

Унинг (яъни, Сайид Ота Сонийнинг) ўғли Амир Абулқосимнинг, унинг ўғли Сайид Муртазоқули, унинг ўғли Сайид Шохмуҳаммад Азиз, у зотнинг қабри Шофирком туманининг Чақар мавзеида, Вардонза кўргонига бир фарсах яқин масофада бўлиб, яқин даврга қадар Чақар Ота номи билан аталиб келинган, авлодлари ҳам унинг оёқ томонига кўмилишган; Унинг ўғли Сайид Муҳаммад Фозил, унинг ўғли Сайид Азизулло, унинг ўғли Сайид Муҳаммад Содик, унинг ўғли Сайид Муҳаммад Бурҳон; ул зотнинг уч нафар ўғли бор эди: Сайид Низомиддин, Сайид Абдулазиз ва Сайид Ҳидоятулло; Аммо, ушбу уч нафар сайидзода она томонидан насаб силсиласи шул тариқаким, Бийхоним бинти Сайид Қулмуҳаммадхожа ибн Сайид Яҳё ибн Сайид Муҳаммаднийёз ибн Сайид Иброҳим ибн Сайид Ҳидоятулло ибн Сайид Вилоятулло ибн Сайид Усмони тариқият-лақаби Сайид Ота Соний,¹⁶ бу зот Сайид Абдулазизхожадан¹⁷ таваллуд топган.

¹⁶ Бу силсила Сайид Отаи Сонийнинг иккинчи ўғли Вилоятуллодан тарқалган.

¹⁷ Абдулазизхожа лақаби Фирузшоҳ (Амир Умари Қаттолқул) эканлиги айtilган.

Носириддин Бухорийнинг «*Тухфатуз-зоирин*», Мирзо Шамс Бухорийнинг «*Торихи Бухоро, Хуқанд ва Қошғар*»¹⁸ китобларида Сайид Отанинг бир қанча авлодлари силсиласи келтирилган бўлиб, куйида уларни келтирамыз:

«Сайид Иброҳимхожаи нақиб аз авлоди Ҳазрати Сайид Ота ва муриди Нуриддин Шайх, эшон муриди Аҳмад Шайх ва эшон муриди Ҳазрати Сайид Ота менайваस्ताанд; Ҳазрати Иброҳимхожа дарвешонро тафаққуд (меҳрубони, пурсиши) менамуданд ва ходимул-фуқаро мебуданд, ва бо вужуди мансаби нақобати Бухоро тариқаи сунияи абову аждоди кироми худро маслук менамуданд, ва дар аснои суҳбат бо атрофи хонақаҳ истидораҳ(?) намуда ҳар яке аз дарвешонро навозишҳо мекарданд, бил-охир бо Имомқулихон азми сафари Ҳижоз шуда дар он сафари муборак ба олами жовидони рихлат намуданд». Мазмуни:

Сайид Иброҳимхожа нақиб Сайид Ота авлодидан бўлиб, Нуриддин Шайхнинг муриди эди, у Аҳмад Шайхнинг муриди, унинг силсиласи эса Ҳазрати Сайид Отага уланган. Ҳазрати Иброҳимхожа дарвешларга меҳрубон ва Бухоро давлатида нақиблик вақтида ота-бобосининг сунний тариқат сулукини маслак тутар, суҳбат асносида хонақоҳ атрофини айланиб, ҳар даврвешларга навозишлар этар эди. Умри охирида подшоҳ Имомқулихон билан муборак ҳаж сафари вақтида вафот этган эди.

Ушбу асарда яна бир авлод тўғрисида ёзилган:

«Фозил Муҳаммадхожа азахфоди Сайид Иброҳимхожаанд ва интисоби эшон ба Ҳазрати Сайид Ота бадин тариқа аст: Муҳаммад Фозилхожа бин Шоҳ Муҳаммадхожа бин Муртазохожа бин Сайид Қосимхожа бин Сайид Усмонхожа бин Сайид Умархожа бин Сайид Муҳаммадхожа бин Сайид Алоуддин Порсохожа бин Сайид Абдулло Зарбаҳи бин Султон Сайид Ота қадасоллоҳу асрораҳум. Хожаи мазкур олим ба улуми зоҳири ва ботини ва дар тариқат истиқомати тамом

¹⁸ Мирзб Шамс Бухори. Торихи Бухоро. Техрон, Оинаи мерос. 1388х.к.

доштанд ва аз Ҳазрати Сайид Иброҳимхожа ижозат ёфта солҳо дар маснади иршод нишаста толибонро ҳидоят намудаанд; қабри мубораки эшон дар жувори аجدоди худ дар мавзеи Шофирком, дар шарқии хонақоҳ аст» (Ушбу саҳифа ҳошиясида ёзилган: «наъши эшонро оварда дар жувори аждоди эшон, дар тумони Шофирком ба хок супориданд»).

Мазмуни: «Фозил Муҳаммадхожа Иброҳимхожанинг қариндошларидан бўлиб, насаби Сайид Отага Ушбу тариқада етишади: Муҳаммад Фозилхожа бин Шоҳ Муҳаммадхожа бин Муртазохожа бин Сайид Қосимхожа бин Сайид Усмонхожа бин Сайид Умархожа бин Сайид Муҳаммадхожа бин Сайид Алоуддин Порсохожа бин Сайид Абдулло Зарбахш бин Султон Сайид Ота қадасоллоҳу асрораҳум. Мазкур хожа ботиний ва зоҳирӣ билимлар олими, тариқатга тамоман берилган бўлиб, Сайид Иброҳимхожадан ижозат олиб иршод маснадида ўтирган ҳамда йиллар давомида муридларини ҳидоятга бошлаган эди. Қабри Шофирком туманида, аجدодлари хонақоҳининг шарқӣ тарафидадир».

Иброҳимхожанинг бошқа жияни ҳам ёзилган:

«**Муҳаммад Қоҳирхожа** аз авлоди Сайид Иброҳимхожа будаанд ва ҳам бо онжаноб иродату бийъат намуда ва баъд аз хидмати лойиқа ижозат ва рухсат ёфта дар замони Сайид Абдулазизхон мансаби нақобати Бухоро муфавваз бо эшон гашта ва бо вужуди мансабат аълия силсилаи жаҳрия ва ишқия ва ғайраҳоро пос медоштанд ва аз ақобири тариқати ишқия низ мажоз ва мураххас будаанд; бил-охир тарки маносиб суvari намуда ба азми тавофи ҳарамайнӣ шарифайн ба жониби Хоразм рафта дар ҳамон диёр вафот намуда мадфун гардидаанд». Мазмуни:

«Муҳаммад Қоҳирхожа Сайид Иброҳимхожа авлодидан ҳамда ул зотдан бийъат иродатини олган, сўнг ижозат ва рухсат олиб, Абдулазизхон даврида Бухорода нақиблик мансабида эди ҳамда жаҳрия, ишқия ва бошқа силсилаларни тутар, ишқияда эса мураххас эди. Умри охирида ҳамма амалларни

тарк этиб ҳаж асносида Хоразмга бориб ўша юртда вафот этади, қабри ўша ерда».

Сайид Ота тўғрисидаги мақомот китобини туздирган зот Аҳмадхожа нақиб ҳам шу авлодлан бўлиб, у ҳақда манбаларда ёзилган: «*Дар «Фавоиди мунтажеҳ»*, ки дар асри Ҳазрати Амир Саъид (яъни Амир Ҳайдар, К.К.) бо амри Ҳазрати Сайид Аҳмадхожаи нақиб тасниф ёфта аст, мусаммо ба «*Мақомоти Ҳазрати Сайид Ота*» бинобарон баъзи Ҳазрати сайидатойи, ки дар Бухоро осудаанд, табаррукан аз Ҳазрати султон (яъни, Аҳмади Яссавӣ) то Ҳазрати Сайид Аҳмад ал-мулақаб ба Сайид Ато, (ва) то айёми Ҳазрати Сайид Аҳмадхожа нақиб дар ин рисола дарж намудем.

Таржимаси: Амири Саъид лақаби ила машҳур бўлган манғитлар сулоласи ҳукмдори Амир Ҳайдар даврида сайидатойи авлодидан бўлган Сайид Аҳмадхожаи нақиб амри билан ёзилган «*Фавоиди мунтажеҳ*» (Фойдали натижалар) китобида (асарнинг бошқа номи «*Маноқибӣ Ҳазрати Сайид Ота*») Бухоро шаҳри ва давлатида яшаб ўтган баъзи машҳур сайидатойилар тўғрисида нақл этилган бўлиб, асар бошида табаррукан Ҳазрати султон Хожа Аҳмади Яссавийдан бошлаб то Сайид Аҳмадхожаи нақиб давригача бўлган воқеалар келтирилган.

«*Тарихи Абулфайзхоний*» асарининг давоми сифатида ёзилган «*Тухфатул-хоний*» китобида ёзилишича, манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтда ўтириш тантанасида биринчи навбатда Мовароуннаҳрдаги тўрт асосий табақа вакиллари: Махдуми Аъзам Даҳбедий, Сайид Ота, Хожа Муҳаммад Ислон Жўйборий ва Хожа Аҳрор Вали авлодлари намояндалари таклиф этилишган.

Юқорида келтирилган асарнинг дарак беришича Аштахоний ва Манғит ҳукмдорлари сулоалари даврида ушбу авлод вакиллари энг юқори диний лавозимларни эгаллаб келишган.¹⁹ Чунончи, Манғит сулоласи ҳукмдори Муҳаммад

¹⁹ Яна, қаранг: Саидкулов Т. *Очерки историографии*, Т., Укитувчи.1992. 104-стр.

Раҳимхон даврида олий диний лавозимлар ушбу тартибда бўлинган: барча диний-мусулмончилик ишлар раҳбари бўлган ўрини шоҳнишини (шоҳ ўринбосари) лавозимиға Махдуми Аъзам авлодидан Исохожа,²⁰ давлат шайхулисломлигига Хожа Ислон Жўйборий авлодидан Насруллохожа, нақиблик лавозимиға Сайид Ота авлодидан Муҳаммадхожа, пойтахт Бухоро Қози Калонлигига Миракон авлодидан бўлган Низомиддинхожаи Ҳусайн, илм ва маданият маркази Самарқанд вилояти шайхулисломлик лавозимиға эса Хожа Аҳрори Вали авлодидан бўлган Шаҳобиддинхожа сайланишган.²¹

Бу тартибдаги авлодий лавозимлар бўлиниши кейинги Манғит ҳукмдорлари даврида ҳам давом этган. Чунончи, «*Тухфатуз-зоирин*» асарида сайидатойилардан Сайидхожаи нақиб, унинг ўғли Сайид Қулмуҳаммад нақиб, унинг ўғли Сайид Қохирхожа нақиб, унинг ўғли Сайид Жаъфархожа нақиб ва Сайид Аҳмадхожаи нақиблар номларининг келтирилиши бунга мисол бўла олади. «*Равойихул-қудс*» асарининг дарак беришича, фақатгина Амир Ҳайдар давриға келиб нақиблик лавозими яна Махдуми Аъзам авлодидан бўлган Хонхожа ибн Мўсохонхожаға берилган.

Кубравия тариқати машҳур муршиди Шайх Махдуми Хоразмийнинг мақомоти бўлмиш қадимий «*Жодатулошиқин*» қўлёзма китоби Хоразмийнинг ҳозирги авлодларига боқий қолган ва шу авлоддан Темурхон Бобохоновнинг шахсий кутубхонасига мавжуддир. Китобнинг муаллиф дастхати билан 450 йилча илгари ёзилган қадимий ушбу нусхасини кўриб чиқдик. Қўлёзма китобнинг охириги саҳифасида чиройли хат услуби билан Сайид Отанинг пайғамбаргача етказилган шажараси ҳамда ул зотнинг 18чи авлоди бўлмиш Алихожа ибн Умархожагача бўлган авлод шажараси келтирилган эди. Биз бу ерда унинг аслини келтирамиз (форсийдан К.К. таржимаси):

²⁰ Ушбу зот Нақибандия-Аълия пешвоси Мусохонхожа Дахбедийнинг отасидир.

²¹ К.Каттаев. Махдуми Аъзам ва Дахбед. Самарқанд, Сугдиён 1994. 22-саҳифа.

«Ҳазрати Али(р) ва Биби Фотимаи захродан ушбу авлод: Имом Ҳусайн-Имом Зайнулобидин-Имом Муҳаммад Боқир-Имом Жаъфари Содиқ-Имом Мусо Козим-Имом Али Ризо-Имом Муҳаммад Тақи-Имом Муҳаммад Нақи-Имом Али Аскарӣ – ...Али Акбар-Сайид Муҳамад-Сайид Маҳмуд-Сайид Аҳмад Хилвати-лақаби Сайид Ота-Сайид Абдулло Зарбахш-Сайид Алоуддин Порсо-Сайид Махмуди шаҳид-Сайид Абдулло Даштиӣ-Сайид Алоуддин Зоҳид-Сайид Умрон – Азизхонжа - Халилхонжа-Аббосхонжа – Жамолиддинхонжа - Абдурахмонхонжа-Абдулмаликхонжа - Абдулқодирхонжа-Абдурахим хонжа-Баҳодирхонжа-Абдулмўъминхонжа-Умархонжа-Алихонжа»...

Қизиғи шундаким, авлодномада Отанинг номларини «Сайид Ота- лақабли Сайид Аҳмад Хилватӣ» деб, яъни хилват-гўшанишинда турувчи маъносида келтиришган. Бу авлоднома олдинги асрларда илгари шу авлоддан бўлмиш ўқимишли одам томонидан жуда чиройли ёзувда ёзилгани кўриниб турибди. Аммо, ҳужжатда Сайид Отанинг оталарини номини Сайид Маҳмуд ибн Сайид Муҳаммад деб келтирилган бўлиб, шажара занжирини **саккизинчи** Имом Али Ризонинг Муҳаммад (Тақи) номли фарзандларига олиб боришган. Юқоридаги «*Тухфатуз-зоирин*»да ва бошқа баъзи ҳужжатларда эса оталарини номини Сайид Яҳё Амир Абу Бакр деб, авлод занжирини **еттинчи** Имом Мусо Козимнинг ўғиллари Иброҳим Ризога етиштиришган эди. Фикримизча, Сайид Отанинг насаблари еттинчи Имом Мусо ал-Козимнинг иккинчи ўғиллари Иброҳим Ризога етиши тўғри ва саҳиҳ бўлиб, бошқа сулола авлодларига боқий қолган ҳужжатлар каби, сайидатойи авлодларига қолган ҳужжатлар ҳам баъзи камчиликлардан холи эмаслигини кўрмоқдамиз. Ва бу юртимиз манбашунослигида кўп учрайдиган ҳолдир.

«*Жодатул-ошиқин*» кўлёзма китобида келтирилган юқоридаги шажарада Сайид Отанинг оталарини фақатгина куният-лақаблари-Абу Бакр Ризо деб келтирилган бўлиб,

асл номи Маҳмуд Яҳё эканлиги ҳақиқатга яқин. Яъни, бир ҳужжатда Сайид Ота оталарининг куният-лақаблари келтирилса, бошқасида ҳақиқий исмлари келтирилган ва бунақа келтиришлар ҳам кўп манбаларда учраб турадиган ҳолдир. Боз устига, ушбу шажарада Сайид Отанинг ўғилларини номи Сайид Абдулло Зарбахш деб келтирилгани авлоднома-ни айнан Сайид Отага тегишли эканини билдиради ва бошқа шажаралар билан мувофиқлигини кўрсатади. Ҳозирги за-мон сайидатоийлари ўзларида мавжуд ҳужжатларни бизнинг ушбу ёзишмаларимизга солиштириб аёнлаштиришади, деб ўйлаймиз.

САЙИД АҲМАДХОЖАИ НАҚИБ

Бу зотдан кўпгина фарзанд ва набиралар боқий қолгандир. (Сайид Ота тўғрисидаги маноқиб китоби ушбу шахс далола-тида ёзилган ҳақида юқорида айтилди)

САЙИД АБДУЛМАЛИК – АМИР АББОС СОНИЙ АВЛОДИ

Сайид Абдулмаликнинг бир лақаби Амир Аббос, иккинчи лақаби эса Офтоб эди. Амир Аббоснинг икки ўғли бор эди: би-ри Сайид **Фирузшоҳ-Амир Умар Қаттолқул**; иккинчиси Сай-ид **Ҳисомиддин**. Сайид Фирузшоҳ Умарнинг авлоди юқорида баён этилди.

Сайид Ҳисомиддиннинг авлоди лас тариқададир:

Сайид Ҳисомиддиннинг ўғли Сайид **Носир**, унинг ўғли Сайид **Абдулло**, унинг ўғли Сайид**хожаи нақиб**, унинг ўғли Сайид **Қулмуҳаммад нақиб**, унинг ўғли Сайид **Қохирхожа нақиб**, унинг ўғли Сайид **Жаъфархожа нақиб**; Ушбу хо-жадан савоб ишлар бисёр бўлиб, жумладан «Жаъфархожа» маҳалласида шу номдаги мадраса машҳур эди. Чунончи қирқ мударрис Ушбу мадрасада дарс беришар эди. Мадраса ўртасида ул зот мармар ҳовуз ҳам қурдирган эди. Хожанинг қабри ҳам

мадрасасининг шарқ тарафида, ўша зот хонақоҳининг шимолида жойлашган бўлиб, қабр бошида бир кенг байроқ осилган эди. Бухоро шаҳрининг ичкарасида, Шоҳ Нақшбанд мазори дарвозасининг яқинида, бир маҳаллада.

Жаъфархожанинг ўғли Абдурахмонхожа, унинг ўғли **Абдулфаттоҳхожа** садр, унинг ўғли **Умархожа** ва ундан тўрт ўғил туғилган: **Иброҳимхожа**, **Зикриёхожа**, **Сулаймонхожа**, **Абдулжабборхожа** ҳофизи каломуллох. Ушбу тўрт нафарнинг онаси **Абдулазизхожа** ибн **Бурҳонхожанинг** қизидир. Ва аштархоний подшоҳ **Абулфайзхон** ибн **Субҳонқулихон** қизи лас **Абдулазизхожага** никоҳ этилган эди. Шу масалага бироз тўхтасак!

Мирзо Шамс Бухорийнинг «*Тарихи Бухоро, Хуқанд ва Қошғар*» асарида²² ёзилишича, охириги Аштархоний подшоҳ **Абулфайзхоннинг** тўнғич қизини **Шамсбону ойим** (бошқа номи Юлдузбегим)ни Манғитлар сулоласининг биринчи ҳукмдори **Раҳимбий Оталиқ** (Амир Раҳимхон) ўз никоҳига кiritиб тахтини мустаҳкамлайди. Раҳимбий вафот этгач, ушбу маликани Амир Шоҳмурод ўз никоҳига олади ва ундан валиаҳд Амир Ҳайдар туғилган;

Абулфазхоннинг иккинчи қизи **Эрон** шоҳи **Нодиршоҳнинг** (бошқа манбага қараганда шоҳнинг жияни **Алиқулихон**) никоҳига кирган;

Абулфайзхоннинг учинчи қизи **Хива** хони **Ботир Султоннинг** ўғли **Ғойибхон** никоҳига кирган;

Абулфайзхоннинг яна бир қизи **Сайид Ота** авлодидан бўлган **Абдулазизхожа** ибн **Бурҳонхожа** никоҳига кирганлиги тўғрисида **Носириддин Ҳусайн Бухорийнинг** «*Тухфатуз-зоирин*» асарида келтирилган.

Абулфайзхоннинг бошқа қизи **Хожа Муҳаммад Юсуф** нақиб ибн **Хожа Муҳаммад Амин** никоҳига кирган. Мирзо Шамс Бухорийнинг «*Тарихи Бухоро, Хуқанд ва Қошғар*» асарида ёзи-

²² Мирзо Шамс. *Тарихи Бухоро... Техрон, 1377/1998. Оинаи мерос. 125-126 саҳифа.*

шича, Эшони Нақиб ибн Эшони Махдум номли шахс ушбу Муҳаммад Юсуф нақибнинг айнан ўзи бўлса керак ва фикримизча бу зот ҳам Сайид Ота авлодидандур;

Абулфайзхоннинг охирги кенжа қизи эса Махдуми Аъзам авлодидан бўлган Муҳаммад Хонхожаи нақиб ибн Мусохонхожаи Даҳбедийнинг никоҳига кирган. Амир Ҳайдар ёшлигида Хонхожани пирларидан бири ҳисоблаб, Самарқанд вилояти **нақиб**²³ этиб тайинлаган. Яъни вилоятдаги барча сайидларнинг раисини нақиб деб аташган ва даражасини вилоят ҳокими билан тенглаштиришган. Аштархоний ва айниқса Манғитлар сулоласи даврида бу лавозимга аксарият ҳолда асосан Махдуми Аъзам ва Сайид Ота авлодларидан бўлган вакиллар сайланишган.

Муқаддимада айтиб ўтганимиздек, Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий ва Сайид Оталар даврларидан бошлаб то манғитлар сулоласи ҳукмдори Амир Ҳайдар замонигача бўлган воқеалар шу авлоддан бўлган Аҳмадхожаи нақиб далолатида ёзилган «*Фавоиди мунтажж*» (Фойдали натижалар) номли китобда келтирилган. Асарнинг бошқа номи «*Мақомоти Сайид Ота*» деб аталиб, «*Равойиҳул-қудс*», «*Тухфатуз-зоирин*» каби асарлардаги Сайид Ота тўғрисидаги ёзишмалар ушбу мақомотдан фойдаланган ҳолда ёзилган. Ўз навбатида бу мақомот ҳам асосий фактларни Шайх Олим Азизоннинг «*Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс*»²⁴ асарида кенг истифода этгандир.

²³ Нақиб – вилоят раҳбари, ҳокими билан тенг лавозим ҳисобланган.

²⁴ Олим Шайх Азизон. *Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс*. Самарқанд, 2007, Зарафшон (Таржима, сузбоши ва тадқиқот муаллифлари К.Каттаев ва А.Нарзуллаевлар).

ҲАЗРАТИ САЙИД ОТА ШАЖАРАСИ

Қиёсан бошқа насабномаларга деярли мос, фарқи-номлардан ташқари лақаблар келтирилган:

«Сайид Ота лақабли Аҳмадхожа ибн Сайид Яҳё (Амир Абу Бакр ар-Ризо) ибн Сайид Аҳмади Кабир (Амир Ҳасан) ибн Сайид Абдулло (Амир Аббос Боқирғон) ибн Сайид Маҳди (Амир Абул Қосим) ибн Амир Абдулҳай (Амир Мўсо Тақи) ибн Носириддин Амир Абдулло ибн Шамсиддин Муҳаммад (Амир Азизулло шаҳид) ибн Нуриддин Амир Жаъфар ибн Сайид Ҳасан (Амир Абдулҳақ) ибн Ҳисомиддин Амир Муҳаммад Кубро (Сайид Ризо Жавҳарий) ибн Сайид Али Имом Иброҳим ар-Ризо ибн Мусо ар-Ризо²⁵ ибн Имом Мусо Козим ибн Имом Жаъфари Содиқ ибн Имом Муҳаммад Боқир ибн Имом Зайнулобидин ибн Сайиди шаҳид (Имом Ҳусайн) ибн Ҳазрати хайрун-нисо Фотма аз-Заҳро бинти Он Ҳазрат-Пайғамбар(с)²⁶.

Сайид Отадан жуда кўп авлод боқий қолган бўлиб, юрти-мизнинг барча ғўшаларида, жумладан қўшни Қозоғистонда яшашади. Юртимиздагилар эса асосан билишимизча, Самарқанднинг Оқдарё, Иштихон каби туманларида, Сурхандарёда яшашади. Иштихон туманидан топилган бир ҳужжат-вақфнома ҳам бу ҳақда далолат беради.

*Иштихон вақфномаси: 1786й 1784й камида 12 та қози қалон, қози в муфтийларнинг муҳри урилган, Воқиф (яъни, вақф берувчи)-Яккатозхожа ибн Миршоҳхожа Сайидатойи ва Муҳаммад Аминхожа ибн Абдулғафурхожа нақибларга тегишли ерларни вақф этилиши тўғрисидаги ҳужжат*²⁷ бу авлоддан дарак беради). Иштихоннинг атроф мавзеи, Оқдарёнинг Тўртайғир мавзеи атрофини, Сурхандарёнинг Қумқўрғон каби мавзеида яшашаётган сайидатойиларни камина муаллиф шахсан танийди.

²⁵ Номлар урни алмашган. Аслида Мусо Ризо ибн Иброҳим Ризо, бўлиши керак.

²⁶ Носириддин Бухорий. Тухфатуз-зоъирин. 1904. Бухоро. 90-саҳифа.


²⁷ Ушбу вақфномани Иштихонлик Мавлонхон Ҳасанов тақдим этди..


СУРХАНДАРЁЛИК САЙИДАТОИЙЛАР

Ушбу рисолаи ёзилишига сабабчи бўлишганлар орасида сайидатоийлар Тожикистонлик (ҳозир Россиянинг Калуга вилоятида яшаётган) Нурмуҳаммадхон ва Сурхандарё вилоятидан Абдурахимхонлар ушбу шажарани пешкаш этишдиким, бу аниқ насабнома келтирилишидир:

Нурмуҳаммадхон ибн Бурхон Эшон ибн Абдуминхон ибн Порсохон ибн Абдулмуъминхон ибн Сайид Абдулхолиқхон ибн Сайид Абдулмуъминхон ибн Сайид Абдулҳофизхон ибн Сайид Усмонхон ибн Сайид Нуриддинхон ибн Сайид Қосимхон ибн Сайид Муқимхон ибн Сайид Жаъфархон ибн Сайид Шамсиддинхон ибн Муҳаммад Фозилхожа бин Шох Муҳаммадхожа бин Муртазохожа бин Сайид Қосимхожа бин Сайид Усмонхожа бин Сайид Умархожа бин Сайид Муҳаммадхожа бин Сайид Алоуддин Порсохожа бин Сайид Абдулло Зарбахш бин Султон Сайид Ота.

САЙИД ОТА – САЙИД АҲМАДХОЖА





²⁸ Ушбу шажара Россияда яшайтган Нурмухаммадхон Муминов ва Сурхандарё вилоятида яшайтган Абдураҳимхон Сайнаматхон ўғлидан олинди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

СОҲАДАГИ БАЪЗИ ЧАЛКАШЛИКЛАР

Сайид Ота тарихлари борасида ва умуман Яссавия тариқатини ёритиш соҳасида бирмунча чалкашликларга йўл қўйилган ва ҳозирга қадар бу хатоликлар давом эттирилмоқда. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқсак!

Яссавия тариқати тўғрисида етарли манбалар мавжуд. Аммо, бу соҳада юртимизда энг кўп тарқалган манба Нақшбандия тариқати муршиди Хожа Ахрори Валининг мақомотларидан бири ҳисобланган Фахруддин Али ас-Сафийнинг «*Рашиаҳоти айнул-ҳаёт*» китоби бўлиб, асарда Яссавия тариқати пешволари тўғрисида ҳам анча сўз боради. Шунинг учун ҳам турк машойихлари тўғрисида қалам юритган ва китоб ёзган аксарият олимлар бирламчи навбатда ушбу асарнинг ўзбекча таржимасидан фойдаланиб келишган. Аниқроғи, асарнинг асл форсий қўлёзма нусхаларидан эмас, балким XIX асрда Домла Худойберган номли шахс томонидан Хоразмда таржима этилган туркча нусхасининг 2003 йилда Тошкентда чоп этилган транслитерация наشريдан фойдаланиб келишмоқда.²⁹ Ўз навбатида таржима муаллифи Домла Худойберган ҳам «*Рашиаҳот*»нинг 1897 милодий (1315 ҳижрий) йилда Ҳиндистоннинг Лакхнавидаги Навал-Кишвар матбаасида чоп этилган литографик нусхасидан таржима қилгани кўриниб турибди. Ҳатто, 1904 ва 1909 йилларда Бухорода чоп этилган «*Тухфатул-зоирин*» асари муаллифи ҳам Яссавия тарқати муршидлари тарихини ёритишда «*Рашиаҳот*»нинг ушбу Ҳиндистон нусхасидан фойдаланган ва бу нусха кўпгина давлатларга тарқалгандир.

Самарқанддаги шахсий архивларда «*Рашиаҳот*» асарининг форс тилида ёзилган асл қадимий нусхалари мавжуд бўлиб, биз ушбу ёзишмамизда «*Рашиаҳот*» қўлёзмаларининг икки

²⁹ Али Сафий. *Рашиаҳот*, Т., Ибн Сино нашри. 2003.

кадимий тўлиқ нусхаларидан истифода этиб, иқтибослар келтирамиз. Улардан бири- санаси йўқлиги учун қоғаз, ёзилиш услуби ҳамда палеографик тузилиши жиҳатидан юртимиздаги энг қадимий нусхалардан бири эканлиги кўриниб турибди; иккинчи қўлёзма китоб эса хатти шикаста ёзувида 1145/1732 йилда кўчирилган.³⁰

Ушбу икки қадимий қўлёзма китобларни Хоразм таржимаси ва Ҳиндистон чопа нусхалари билан солиштириб кўрганимизда кўпгина жиддий тафовутлар борлигини кўриб ҳайратда қолдик. Яъни, битта асарнинг қўлёзма ва чопа нусхаларида катта фарқ борлиги аниқланди.

Бошқа бир манбани ҳам шу тарзда бир қиёслаб кўриш мақсадида машҳур бобурийзода тарихчи Доро Шукухнинг «*Сафинатул-авлиё*» асарининг қўлёзма ва чопа нусхаларини олиб солиштириб кўрсак, уларда ҳам катта тафовут борлигини сездик. Тўғри, бир асарнинг қўлёзма ва чопа нусхаларида сезилар-сезилмас чалкашликлар бўлиши оддий ҳол. Аммо, бу чалкашликлар бирор тарихий воқеъотга сезиларли таъсир кўрсатадиган даражада бўлмаслиги керак. Хаттот ва таржимонлар иложи борича кўпроқ нусхаларни топиб солиштирган ҳолда кўчиришлари ёки таржима этишлари лозим. Шундагина, асар тўлиқ ва хатоларсиз таржима этилган ҳисобланади.

Энди, «*Раishaхот*» асарининг икки қадимий қўлёзма нусхаси асосида кейинги давр нусхалари орасидаги баъзи тафовутларни кўриб чиқайлик.

I. Бошда таъкидлаганимиздек, 2003 йилда Тошкентда ўзбек тилида таҳия-транслитерацияси чоп этилган Хоразм нусхаси XIX аср охирларида Ҳиндистонда чопа этилган литографик нусхалардан фойдаланган ҳолда таржима этилганлиги шундай билиниб турибди. Иккинчидан, бу икки нашр учун эталон ҳисобланган Ҳиндистон нусхасидаги баъзи ортиқча боблар бизнинг Самарқанд қўлёзма нусхаларида учрамайди, демак улар кейинчалик қўшилган, деган фикрга келамиз. 500 йил

³⁰ Каттахонхонжанинг шахсий кутубхонасида ушбу қўлёзма китоблар мавжуд.

илгари айнан Самарқандда ёзиш бошланган ушбу асарнинг ватани Самарқанддан топилган қўлёзма нусхалари биз учун барча нусхалардан саҳиҳроқ ҳисобланиши қонуний ҳолдир.

Асосий чалкашликлардан бири шулким, «*Рашиҳот*»нинг қадимий қўлёзмаларида «*Сўфи Донишманд*» боби умуман ёзилмаган бўлса-да, юкоридаги кейинги давр чопа ва таржима нусхаларида бу боб негадир киритилган.³¹

Бу борада Яссавия тариқати тўғрисидаги машҳур муршидлардан бирининг қаламига мансуб энг саҳиҳ манбалардан бири- Олим Шайх Азизоннинг «*Ламаҳот мин нафаҳотулқудс*» асари нима дейди? Асарнинг бир-икки жойида Сўфи Донишманд «*Маноқиб*» китобнинг муаллифи тарзидагина келтирилган. Чунончи: «...*Ва бу зоти бобаракот* (яъни, Яссавий)нинг «*Маноқиб*»лари соҳиби Сўфи Донишманд номи билан машҳур кишининг ёзишича...». ³² Кўриб турганимиздек, Сўфи Донишманд халифа-ўринбосар сифатида эмас, балким машҳур лақаби ҳамда мақомот асари муаллифи сифатидагина келтирилмоқда. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, «*Рашиҳот*» китобида «*Сўфи Донишманд*» боби асар муаллифи Фахруддин Али ас-Сафий томонидан эмас, балким Сўфи Донишманд номини илк марта «*учинчи халифа*» сифатида тилга олган Муҳаммал Тоҳир Эшон томонидан ёзилган «*Тазкираи Нақшбандия*» асари сабабли бўлса керак, Ҳиндистон чопаларида киритила бошланган, кўринади. Буни аниқлаш мушкул эмас; бунинг учун Яссавия тариқати билан шуғулланувчи мутахассислар давлат ва шахсий архивларда мавжуд «*Рашиҳот*» асари қўлёзмаларининг 4-5тасини солиштириб кўришлари кифоя қилади (аммо, бу асар борасида барча хатоликлар илк хаттотлар томонидан амалга оширилган, кўринади. Чунки, ҳатто саҳиҳ ҳисобланган баъзи қадимий нусхалар хаттотлари ҳам Саъид Ота ва Сулаймон Ота боблари ёзилган варақ ҳошиясида ўзларини хатоликдан эҳтиётлаш мақсадида бўлса керак, бел-

³¹ Али Сафий. *Рашиҳот*, Т., Ибн Сино нашри. 2003. 17-бет.

³² Олим Шайх. *Ламаҳот*. Самарқанд. СамИСИ. 2007. (К.Каттаев, А.Нарзуллаев тарж.).

гилар қўйишган. Бу, хаттотларнинг «ушбу икки шахс борасидаги хатони тўғриладим», деганими ёки эҳтиётдан шу масалани мавҳум қолдирганларими? Ҳар ҳолда, мутахассислар бу масалани ҳам аёнлаштиришлари лозим кўринади.

II. Кейинги давр чопа нусхаларида: «Сўфи Донишманд-Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаларидур», - деб ёзилгани ғалатдир. Ваҳоланки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифалари «Сулаймон Ота» эканлиги биз кўриб чиққан қадимий қўлёзмаларда аниқ келтирилган. Бугина эмас, 2003 йилги Тошкент нашрида Мансур Ота билан Саъид Отани (бир йўла иккаласини) Яссавийнинг биринчи халифалари сифатида берилгани, Хоразм нусхасининг нисбатан ноқислигидан далолат беради. Бу ерда, шарқшунос олимлар учун чопа ва кейинги давр нусхаларга қараганда қадимий қўлёзма китобларнинг саҳиҳ манба сифатида устунлиги яна бир қарра тасдиқланмоқда.

Тўғри, биздаги қўлёзма китоблар ҳам камчиликлардан холи бўлмаса керак, аммо айнан Яссавия тариқати борасида Ҳиндистон чопа ва Хоразм таржима нусхалари ноқис эканлигини бир эмас, бир неча қадимий «*Рашаҳот*» қўлёзма китоблари исботламоқда.

III. «*Рашаҳот*»нинг 2003 йилда Тошкентда чоп этилган транслитерация нашрининг «*Ҳаким Ота*» бобининг таҳия этувчилар томонидан берилган изохда: «*Ҳаким Ото ва Сулаймон Ото аслида бир киши бўлиб, котиблар томонидан алоҳида кишилар сифатида хатога йўл қўйилган*» деб ёзилиши назаримизда унча тўғри бўлмай, бизнингча Сулаймон Ота билан Сўфи Донишманд бир киши бўлишлари мумкин.

Насабнома, саналар бобида «*Сайид Ота мақомоти*» ва «*Тухфатуз-зоирин*» асарлари нисбатан саҳиҳ манба ҳисобланишади. Негаки, биринчиси шу авлоддан етишиб чиққан энг олим уламо мусаннифоти бўлса, иккинчиси эса манғитлар сулоласи шахзодаси томонидан ёзилганлиги учундир. Чунки, биринчиси ўз авлодини ҳаммадан яхшироқ била-

ди. Бу борада устоз домла академик Садриддин Айнийнинг «Самария» китоби муаллифи Абу Тохирхожа тўғрисида айтган гаплари ушбу муаллифлар борасида ҳам жуда ўринлидир: «Абу Тохирхожа ўз бобоси бўлган бир кишининг нисбатида хатто қилмаса керак». ³³ Худи шул каби, «Сайид Ота мақомоти» муаллифи ўз бобоси нисбатида адашмаса керак, деб ўйлаймиз. Ва «Тухфатуз-зоирин» асари муаллифи ҳам мангитлар даврининг олим шахзодаси сифатида ўз давридаги барча манбалар унга таниш бўлгани учун унинг ёзишмалари ҳам нисбатан саҳиҳдур.

IV. Охирги давр нашрларида баъзи жиддий чалкашликлар туфайли Саъид Ота билан Сайид Отани баъзан бир шахс деб ёзишмоқда, баъзан эса номларини айнан бир хил ёзишиб, натижада бошқа илм аҳлларини адаштиришмоқда. Ваҳоланки, бирлари Хожа Аҳмади Яссавийнинг халифалари, иккинчилари эса Занги Отанинг халифаларидир. Ҳатто араб алифбосида бу икки номнинг ёзилиши турлича ва маъноси ҳам ўзгача бўлса-да, барибир адашиб бир шахс деб кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Бирининг номи «Саъид» (хушбахт, маъносида) талаффуз этилиб, араб алифбосида эса (айн-ъ) ҳарфи орқали ёзилади; иккинчи шахс талаффузда «Сайид» (пешво ва пайғамбар авлоди, маъносида) талаффуз этилиб, ёзувда эса (йо-и) ҳарфи билан ёзилади. Демак, аслида бу икки нафар бошқа-бошқа шахслардир.

V. Бошқа масала шундаки, тарихда шу номли шахслар 4-5 нафар бўлишиб, баъзан буларни ҳам адаштиришади. Булар: ҳозирги даврда кўп адаштирилаётган Саъид Ота ва Сайид Оталардан ташқари яна Шайх Сайид Аҳмад (қабри Самарқандда, ул зот Шайх Шамсуддин Ўзгандийнинг пир), Сайид Ота Соний (кейинги Сайид Ота, биринчи Сайид Ота авлодидан бўлган машҳур шахс, қабри Шифирконда) ва бошқалар эдилар. XIX асрнинг 20-йилларида профессор Фитрат ҳам Шайх Сайид Аҳмад билан Сайид Отани адаштирмас-

³³ Абу Тохирхожа, Самария, Т., Камалак, 1991. 25-бет, 170-изоҳ.

ликка чақирган эди.³⁴ Қизиғи шундаки, адаштирилаётган барча шахслар Яссавия тариқати намояндаларидир.

Энди, тарихий шахсларнинг саналарига оид хато ва чалкашликларга келсак!

VI. Хожа Аҳмад Яссавий (1166й. ваф.)нинг биринчи халифалари Мансур Ота 1197 йилда вафот этган ҳисобланади. Яссавийнинг иккинчи ва учинчи халифалари вафот саналари унча аниқ эмас. Аммо, тўртинчи халифа Ҳаким Ота 1186 йилда вафот этган, деб барча манбаларда ёзилган. Ваҳоланки, халифаларнинг санок тартиби кўпинча пирининг вафотидан кейин орқама-кетин фаолиятига қараб қўйилиши ҳаммага маълум. Ҳатто, Яссавийнинг ўзлари ҳам Ҳамадонийнинг олдинги халифалар (Барқий ва Андоқийлар) вафот этгач, учинчи халифа аталиб фаолият кўрсатганлар. Қандай қилиб, биринчи халифа - Мансур Отадан 11 йил илгари тўртинчи халифа – Ҳаким Ота вафот этган? Халифалар орасида биринчи вафот этган шахс сифатида Ҳаким Ота биринчи халифа аталишга жоизку?! Аксарият мақомотларда халифалар саногини олдинги халифанинг вафот этганидан кейингина қўйилган. Пир вафотидан кейин санок пастидаги халифалар юқоридаги халифаларга бўйсунган.

VII. Бундан ҳам қизикроғи шулким, Ҳаким Ота (1186й. ваф) билан халифалари Занги Отанинг (1258й. ваф.) вафот саналари орасидаги фарқ 72 йилни ташкил этади ва бу пиру муридлар орасида энг катта масофа бўлиб, ишониш жуда қийиндир. Бу саналарни кўрган тадқиқотчи пиру муриднинг учрашишганлигига шубҳа қилиши ёки Ҳаким Ота ва Занги Ота орасида яна бир-иккита пир бўлиши керак, деган ҳаёлга бориши мумкин. Шунинг учун соҳа мутахассислари саналарни (жумладан, Занги Ота ва Сайид Оталар ўрталаридаги фаолият саналарини ҳам) қайтадан кўриб чиқишса ёмон бўлмас эди.

VIII. Баъзи манбаларда Ҳаким Отанинг уч ўғли бўлганлигини таъкидлашиб, Отанинг икки тўнғич ўғиллари

³⁴ Яссавий ким эди. Нашрга тайёр.-Б.Дустқороев. Тошкент. А.Кодирый, 36-бет.

Хоразмга - Имом Замахшарий (Жоруллох)нинг хизматига жўнатилганлигини ёзишган. Савол туғилади, 1075-1144 йилларда яшаб ўтган Имом аз-Замахшарий билан 1186 йилда вафот этган Ҳақим Отанинг ўғиллари орасида қандай восита Билан алоқа бўлиши мумкин? Ахир Имом вафот этган пайтда Ҳақим Отанинг ўзи нари борса 30-35 ёшда бўлганку?!

IX. Сайид Отанинг вафот саналари борасида қадимий манбаларда ҳам ва ҳозирги нашрларда ҳам кўпгина ноаниқликлар мавжуд. Масалан, «*Тухфатуз-зоирин*»да вафот санаси 1292 йил дейилса, юқоридаги Ясавия мақомотларидан истифода этган «*Ислом Энциклопедияси*»да 1311 йил санаси ҳам тилга олинган. XX аср бошларида профессор Фитрат 710/1310 йил санасини, Тоҳир Эшоннинг «*Тазкираи Нақшбандия*» асарида 708/1308 сана,³⁵ яқинда чоп этилган яна бир нашрда эса 702/1323³⁶ саналар Сайид Отанинг вафот йили сифатида келтирилган. Бунақа чалкашликлар ҳар қандай тадқиқотчини бошини айлантириб қўйибди ва биз шу соҳа мутахассисларига энг аввало ушбу саналар борасидаги чалкашликларни тўғрилаш устида тадқиқотлар олиб боришларини маслаҳат берар эдик.

X. Сайид Ота ва Ўзбекхон муносабатлари борасидаги баъзи масалалар ҳам тадқиқотталаб масала. Зеро, бу масала кўриб чиқилганда бир қанча ва турли саналар тилга олинади ва бу илм аҳллари чалғитади, албатта. Ўзбекхон ҳақида сўз кетганидан фойдаланиб, яна шуни айтиш жоизким, кўпгина қадимий ва ҳозирги замон нашрларида Ўзбекхоннинг шажараси борасида ҳам биров чалкашликка йўл қўйилган. Ўзбекхон отасининг номи бир манбада Тактухон³⁷ аталса, бошқасида Тақтағухон,³⁸ учинчи манбада эса Туғралхон³⁹ деб аталиши тадқиқотчиларни чалғитади ва бу масалани ҳам аниқлаш лозим.

³⁵ Ҳамидхон Исламий. Султонул-орифин... Тошкент, Фан. 2005. 29-бет

³⁶ Аслида хижрий 702 йил милодийга айланттирилса 1302 бўлиши керак.

³⁷ Б.Ахмедов. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. Уқитувчи. 1994. 423-бет.

³⁸ Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент. Чулпон. 1992. 108-бет

³⁹ Шаҳобиддин Маржоний. Мустафодул-ахбор. Казон. 1885. 103-саҳифа.

Баъзи манбаларда Ўзбекхоннинг хонлик даврини 1312йилдан 1342 йилгача деб белгилаган ҳолда Сайид Ота эса 1292 йили вафот этган деб ёзишлари ҳам мантиққа тўғри келмайди. Боз устига, юртимиздаги жиддий олимларнинг бошқа ёзишмаларда Ўзбекхонни 750/1349 йилда вафот этгани ёзилган. Юқоридаги саналарни кўриб ҳаёлимизда беихтиёр савол туғилади: шу саналар рост бўлса, Сайид Ота қачон вафот этганлару, Ўзбекхон қачон исломга кирган? Ўзбекхон Ота билан қачон учрашган, хонлик давридами ё олдинроқми? Ўзбекхоннинг вафот этган йили аниқми? Кўриб турганимиздек, тарихий саналар ҳеч қовушмаяпти ва соҳа мутахассислари бу тарихга доир саволларга жавоб топмасдан даврга оид тадқиқотларни тўла амалга ошира ололмайдилар.

XI. Сайид Отанинг шажараси борасида ҳам баъзи саволар туғилади; шунинг учун бу соҳада саҳиҳ китоб ва шахсий кутубхоналарда мавжуд авлодномалар асос сифатида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шажаралар борасидаги чалкашликларни ҳам кўриб чиқсак!

Кези келганда, Тошкент вилоятида Сайид Отага тегишли бир қабр тўғрисида айтиш жоизким, бу Сайид Отага тегишли бўлмай, балким шу авлоддан чиққан бошқа бир машхур зотники бўлса керак. Негаки, сайидатойи авлодидан етишиб чиққан бир неча машхур шахслар аجدодларига ҳамном бўлгани туфайли «Сайид Атои Соний» (кейинги Сайид Ота) лақабини олишгани тарихдан маълум. Ўша машхур зотлардан бирининг қабридир.

Ислом қомуси (энциклопедияси) 205-бетда: «Сайид Ота – Сайид Аҳмад ибн Сайид Абу Бакр (? – 1292 ёхуд 1311) – яссавия тариқатининг йирик вакили, Тошкентда таваллуд топиб, таълим олган. Занги Отанинг 2-халифаси. Сайид Ота нафақат солиҳ амаллари, тариқат йўлида чеккан заҳматлари, балки жиҳодда иштирок этганлиги билан ҳам машхур. Умрининг охирида Тошкентдан Оролга кўчиб бориб, ўша ерда вафот этган, деб ёзилганлигини айнан келтирилдик.

Ислом комуси (энциклопедияси) 91-92 бетлар: «Занги Ота – асл исми Ойхожа ибн Тошхожа (?-1258) – авлиё, ҳаким. Тошкентда туғилиб, яшагани ҳақида маълумотлар бор. Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбоб эшоннинг авлоди (авараси). Ўта қора танли бўлгани учун занги (занжи) дейишган. Тасаввуфни тарғиб қилган. Эл-юрт молини боқиб подачилик билан шуғулланган. Ривоят қилишларича, унинг қарамоғидаги моллар яйловда ўтлаб кечкурун уйга қайтишда кишиларнинг экинзорларига кирмас, ўт-ўландан бир чимдим ҳам емас экан (шу сабабли чорвадорлар Занги Отани ўз пирлари деб ҳисоблашади)

БЕШИНЧИ БОБ

ЯССАВИЯ ПИРЛАРИ ВА МАҚОМОТЛАРИ

ШАЙХ ХУДОЙДОДИ ВАЛИ

Ўрта Осиё тасаввуфи Яссавия-Султония-Жаҳрия тариқатининг етук намояндаси “Шайх Худойдоди Вали” номи билан тарихда чуқур из қолдирган бу зот Ҳазрати Хожа Аҳмади Яссавий тариқатларининг Занги Ота, Сайид Оталар каби улуғ намояндаларидан бири, шу билан бирга оддий халқдан етишиб чиққан буюк муршидлардан бири эди.

Унинг асл номи Худойберди бўлиб, аждодлари бир замонлар Хоразмга келиб олган эдилар ва уларнинг хонадонлари катта обрў-эътиборга эга эди.

Ёш Худойберди отасининг номи Азизон Ортиқ Шайх бўлиб, илмли ва ориф кишилардан эди. Ўша замонларда Хоразм вилоятидаги аҳоли орасида ихтилофу гина-кудуратлар ёйилиб кетганлиги сабабли Азизон Ортиқ Шайх ўз биродари Азизон Зикриё Шайхга шундай дейди: “Бу ихтилофлар тугагунча боша жойда яшаб турсак яхши бўлармиди!?” Зикриё Шайх дейди: “Бу ишимиздан подшоҳлик амалдорлари инсофга келиб, шариат назоратини кучайтирсалар дуруст бўларди”.

Шундан сўнг улар ўз аҳлу аёлларини олиб Бухоро шаҳрига кўчиб келишади ва бироздан сўнг катта ва гавжум шаҳардан кўра кичикроқ мавзеъни орзу қилишиб, Миёнколдаги Кармана мавзеъсига қўнишади ҳамда Кармана яинидаги Саранж (Шаранж) тоғи мавзеъсида жойлашган туркий забон қавмлар орасида сокинлик топишади. Тоғутошларда фақирона яшайдиган ва “Оқ қавм” деб аталувчи бу аҳоли орасида яшашни улар ўзларига маъқул топадилар.

Шу даврга келиб, яъни 1461 йилда Ортиқ Шайх ўғил фарзанд кўради. Манбаъларда келтирилишича, кўп саргардончилик ва

офатлардан омон қолганликлари учун ҳам Худодан соадатманлик тилаб, фарзандларига Худойберди деб ном қўйишади. Илмли киши бўлган Ортиқ Шайх туғилганидан валийлик асари зоҳир бўла бошлаган ўз фарзандига илк таълимни бера бошлайди.

Ота-онасидан жуда ёш етим олган Худойберди мактабхонада илм олишни, қийинчиликлар билан бўлса-да, давом эттиради. Энг аввалги ва саодатли муаллимига ғайбдан бир овоз зоҳир бўлган эканким, - “бу ёш гўдакни яхши тарбия қилғилким, қиёмат куни сенинг шафоатингга кўмак бергувчидир”.

Ёш Худойберди мактаб таълимидан сўнг Самарқандга келиб, Жавзония мадрасасида шариат илмларидан сабоқ ола бошлайди. Ушбу мадрасада ўқиётган кунлардан бирида Худойбердининг асл она юрти бўлган Кармана Миёнқолидан бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келадилар. Шунда бир таниш қассоб гўшту ёғ келтириб, уларни зиёфат қила бошлайди. Қассоб бу ишларни бир неча бор қайтариб, Худойбердини сийлагач, у қассобнинг тайёр масалликларини ейишни ўзига ор билиб, мадраса хужрасидан бутунлай чииб кетади. Бу воқеа ҳали жуда ёш йигит бўлган Худойбердининг шайхлик йўлига кириб, парҳезгорликка ва умуман тариқат сулукига жуда эрта кириб келганлигидан далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, хужрадан бутунлай чиқиб кетган Шайх Худойберди Регистон майдони яқинидаги Қўйи Бўстониҳон мавзеъсидаги болохонали одмиёна уйда уч йил фақирона умр кечиради. Кези келганда, бу ерда шу воқеани эслаб ўтиш ўринли бўлардики, Ҳазрати Шайх умрларининг охириги йилларида Самарқанд подшоҳи Абу Саъидхон ибн Кучқунчихон (Шайбоний ҳукмдор, 1530-33 йиллар ҳукм сурган) ул зотга муҳлис бўлиб, ўз саройига таклиф қилганида, Ҳазрати Шайх саройга бораётиб, ўзларининг болохонали ушбу фақир кулбаларига қараган ҳолда ҳайқириб, афсус чекган эканлар. Демак, Ҳазрати Шайхнинг мижози шундай тузилган эдики, саройдаги қошонадан кўра ушбу фақирона кулбани афзал кўрар ва бу фано даражасига етишганликнинг белгиси эди.

Шайх Худойбердининг талабалик йиллари ҳақидаги сўзларни давом эттириб, “Ламаҳот” китобидан ушбу нақлни келтирамизким, у Ҳазрати Шайхнинг ўз сўзларидан олингандир: “Бир куни мен Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида толиби илмларнинг фалакиёт фани соҳасидаги мунозараларини ҳавас билан кузатдим. Уларни бир-бирига муҳолиф топдим ва ўзим учун риёзатчилигим туфайли самовий сирларни кашф этдим”. Бу ёзишмаларда икки нарса биз учун аҳамиятлидир; биринчиси шулким, сўфийча тарбияни олган Шайхнинг фалакиёт соҳасидаги мунозаларга “ҳавас билан” қараши бўлиб, ҳанузгача бизга тасаввуф аҳлини бу илмга зид бўлиб келган, деб ўргатишар эдилар; иккинчиси шулким, Шайхнинг Самарқанддаги талабалик йилларида (яъни, XV аср охирларида) ҳам Мирзо Улуғбек мадрасасида илоҳиёт илми олиб борилиб турилганлигини эътироф этилишидир. Чунки, шу чоққача, Улуғбек шахид бўлгач, мадраса ва расадхонасида бу илмларни дарс бериш тўхтатилган эди, деб уқтириб келишган эдилар.

Илм ва риёзатчилик туфайли юқори мартабаларга етишган Шайх Худойберди ўзига маънавий пир ахтариб, Жаҳрия тариқатининг машхур арбоби Шайх Жамолиддин Азизоннинг хузурларига боради ва қўл бериб, иродатига киради. Манбаъларда қайд этилишича, учрашув чоғида Шайх Жамолиддин ул кишидан- “номингиз нима?” деб сўраганларида: “Номим Худойберди”, деб жавоб берганлар. Шунда Шайх Жамолиддин: “Моро Худой дод (Менга сизни Худо етказди), энди сизнинг номингиз Худойдод бўлгусидир”,- деган эканлар. Ва шундан эътиборан, ул зот Худойдод номи ила машхуру манзур бўлганлар.

Соҳиби каромату мақомот ва ҳаддан ташқари хориқ одат сифатларига эга бўлган Шайх Худойдод кибру-ҳавойи нафслардан парҳезда бўлган энг тақводор табақа намояндаларидан бири бўлиб, сабру-қаноат ва риёзатчиликлари туфайли фано даражасига етганлар ҳамда «Вали» деган улуғ номга сазовор бўлганлар.

Ушбу сатрлар муаллифи 1995 йилда Шайх Худойдоди Валининг Республикавий илмий-амалий анжуманига атаб «*Шайх Худойдоди Вали ва хонақоҳи тарихи*» номли илмий-моно-график китобни чоп эттирган эдим.

ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН КАРМИНАГИ

Ясавия-султония тариқатининг энг машхур муршидларидан бўлган. Ёшлигида Ифтихор Шайхнинг суҳбатига етишган бу муборак зот Шайх Мавлоно Валининг муриди бўлиб, ул зот эса ўз навбатида Шайх Худойдоди Валининг халифаларидан эди.

Қосим Шайх Азизон тариқий ишлари орқали Мовароуннахр сиёсатида сезиларли таъсир кўрсата олган мутасаввуф бўлган. Ул зотгача Ясавия тариқатидан Сайид Ота, Нақшбандия тариқатидан Хожа Аҳрори Вали ва Махдуми Аъзам ва Хожа Ҳошим Даҳбедийлар тасаввуфий фаолиятларини халқ фаровонлиги йўлида сиёсатга унумли тадбиқ этган эдилар.

Соҳибқирони соний (кейинги соҳибқирон) деб эътироф этилган Абдуллоҳон-II шайбоний ушбу Қосим Шайх Азизонга иродат қўлини бериб, ўзига пир ҳисоблаган.

ОЛИМ ШАЙХ АЗИЗОН ВА УНИНГ “ЛАМАҲОТ МИН НАФАҲОТУЛ-ҚУДС” КИТОБИ ТАҲЛИЛИ

Миллий-маданий ва илмий-тарихий қадриятларимиз манбаъларидан бири – қадимий кўлэзма китобларидир. Бирок, надоматлар бўлсинким, олиму-фузалолар яратган асарларнинг энг нодирлари асосан XVIII асрлардан бошлаб чет элларга олиб кетила бошланди. Буюк Британия, Россия, Туркия, Эрон каби мамлакатларнинг китоб хазиналарида тўпланиб қолган кўлэзмалар фикримизни исботлайди. Лекин, шунга қарамай, ноёб манбаълар ҳисобланган нодир китобларнинг бир қисми ўзимизнинг юртимизда, давлат хазиналарида ҳамда айрим кишилар қўлларида сақланиб қолди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва

Фарғона вилоятларининг кўлёмалардан ва чопа китоблардан иборат хазинахоналарида, юртимизнинг турли бурчакларида яшовчи зиёлилар хонадонларида кўплаб ноёб китоблар мавжуд. Давлат хазиналари ва шахсий кутубхоналардаги нодир китоблар тартибли равишда мутахассислар томонидан ўрганилмоқда.

Қатағон йиллари жабр-зулмларига қарамай, ўз ҳаётларини хавфга қўйиб бўлса-да, ушбу нодир китобларни асраб қолган кишиларга қанча таҳсинлар айтсак оз. Ана шундай нодир китоблардан бири: *“Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс”* (Муқаддас хушбўйликлардан лаҳзалар) деб аталиб, илмий жиҳатдан жуда нодир китоблар сирасига киради. Қисқача *“Ламаҳот”* деб аталган ушбу китоб муаллифи Олим Шайх ибн Муъмин Шайх ибн Дарвеш Шайх Азизон бўлиб, *“Тухфатуз-зоъирин”* ва *“Хужжатуз-зокирин”* китобларига қараганда ота томонидан насаби биринчи ислом халифаси Абу Бакр Сиддиқга етган. Она томонидан бобоси эса, *“Самария”* китобига қараганда, Тошкент вилоятига қарашли Қуйлуқ деган мавзеъда яшаган Мавлоно Ҳофиз Қуйлуқий бўлиб, у “алавий” насабдан⁴⁰ ҳисобланган.

Олим Шайх Азизон ботиний иродат кўлини Пирим Шайх Азизонга берган, у эса Қосим Шайх Азизоннинг муриди бўлган. Аммо, Олим Шайх зоҳирий илм таҳсилани ўша замоннинг машҳур алломаси ҳисобланмиш Мавлоно Исматуллоҳдан ўрганган.

Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), усул, тафсир, ҳадис, тасаввуф тариқати каби ҳол ва қол илмларини ниҳоят даражада мукаммал эгаллаган Олим Шайх Азизон Мовароуннаҳр юртининг энг олиму-фозил кишиларидан ҳисобланиб, “ҳамма илмлар соҳиби” (*олим ба ҳаммаи улум*) бўлган. Дарҳақиқат, шундай. Чунонким, тарихчи олим, қози ва муфтий Абу Тоҳирхожа ул киши ҳақида ўзининг *“Самария”* китобида шундай ёзади:

«...Олим Шайх Азизон 972 (1564) йилда туғилгандир... Ҳазрати Олим Шайх Азизон подшоҳ Имомқули Баҳодурхон даврида Самарқандда аълам эди ва у замонаси имомлари-

⁴⁰ Алавий-Имам Алининг Биби Фотимадан ўзга хотинларидан туғилган фарзандлари.

нинг имоми эди. У Мирзо Улуғбек мадрасасининг жануби-гарбий тарафида олий хонақоҳ бино қилган. Ҳозирда у хонақоҳ қолмагандир. Ёшлари саксонга бориб қолган эди. У Жаҳрияи султония сулоласи баён қилинган “*Ламаҳот*” китобининг мусаннифи эди ва яна шиъа мазҳабининг раддиға “*Дар радди мазҳаби шиъа*” номли рисола тартиб бериб, у рисолада чорёрлар улуғлигини кучли далиллар билан исбот қилган. Унинг вафоти ҳижрий 1041 (1631-32) йилида содир бўлиб, “фахрул-ислом” сўзи (абжад ҳисобида) вафотининг тарихидир. У кишининг асрида Алиобод мавзеи обод шаҳарча эди ва Ҳазрати эшон у ерга жомъе масжиди, хонақоҳ ва мадраса бино қилган эдилар. У биноларнинг асари ҳозирда ҳам бор»⁴¹.

Дарҳақиқат, алломаи замон бўлган Ҳазрати Олим Шайх Азизон нафақат олимул-уламо, балким Яссавия силсиласи Жаҳрия – султония тариқат сулукининг замонасидаги муршиди эди.

Лекин, Олим Шайхнинг тарихда номини абадий қолдирган нарсаси у ёзган “*Ламаҳот*” китоби бўлиб, бу китоб илм аҳли томонидан ниҳоятда қадрланган ҳамда мадрасаларда ўқитилган. Китобнинг илм аҳли учун энг аҳамиятли томони шундаким, унда нафақат Яссавия силсиласи сулуқлари, балким бошқа силсилаларнинг моҳияти, тариқат пирлари сулоалари тарихи ҳам берилган. Шу билан бирга ундаги ҳар бир воқеа ва ривоятлар ҳадиси қудсиялар билан мустаҳкамланганким, булар китобнинг қадрини янада оширади.

Китобнинг таҳсилига келсак! Китоб, ўтган XIX асрнинг охириларида Тошкент шаҳрининг “Ғулом Ҳусайни-Орифжонов” матбаасида чоп этилганлиги унвон муқовасида ёзилган.

Асар “Бисмилло...”дан сўнг, “ҳамду сипоси беқиёс мар Ҳудовандиро, ки орифони даргоҳи аҳдият аз идроки камоли у...” деган сўзлар билан бошланган бўлиб, китобнинг кириш қисмида ёзилишича, асар икки “Мақсад”дан иборат: “*Биринчи мақсад*”да Қуръони карим ва ҳадиси шариф оятлари билан мустаҳкамланган Жаҳрия тариқати сулуки афзаллигининг ба-

⁴¹ «Самария», Тошкент, «Камалак» нашри, 59-бет.

ёни берилган. «Иккинчи мақсад»да эса бу силсила сулукидаги машхур пирларнинг силсилалари, тарихлари баёни берилган.

«**Нафаҳотул-унс**»— «нафҳа»га; «**Раишаҳоти айнул-ҳаёт**»— «рашҳа»га; «**Равойихул-қудс**»— «равҳа»ларга (яъни, қисмларга, К.К.) бўлингани каби «**Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс**» китоби ҳам «ламҳа»ларга бўлингандир. Китобда ҳар хил нақллар, назму-байтлар келтирилган бўлиб, улар ояту ҳадислар ёрдамида ўринли келтирилгани китобнинг илмий ва бадий қийматини оширади.

Китобда Жаҳрия тариқатининг муршидлари Яссавий, Занги Ота, Сайид Ота, Қосим Шайх Азизон каби алломалар тарихи кенг берилган ҳамда асосан Шайх Худойдоди Валининг мақомоти сифатида ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, «**Ламаҳот**» асари Марказий Осиё ва Хуросон тасаввуф мактаблари тарихини ёритишда бармоқ ласс санокли асосий манбалардан бири ҳисобланади. Китобдан юртимиз тарихининг ёритилмаган жабҳалари, номаълум тарихий шахслар, географик ва топонимик мавзеларнинг номларини қайта тиклашда унумли фойдаланиш керак.

ХУЛОСА

Шуни айтиш жоизки, Сайид Ота ва ул зот даври, атрофи борасида ҳали кўп нарсани билмас эканмиз.

Дўсту ёронларнинг илтимосларига кўра ёзилган ушбу китоб жуда оз фурсатда, бир-икки ой муддат ичида ёзлгани боис баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Магаркам, ёзишмамиздаги сакта ва саҳву хатолар кўзга ташланиб қолгудек бўлса, зукко ўқувчидан узр сўраймиз ҳамда ўтқир ақл қаламу килкалари ила ислоҳ қиладилар, деб яна бир карра умид билдириб қоламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. ابو طاهر خواجه - سمريه. кулѳзма (шахс. кутубхона).
2. نمونهءادبيات تاجيك - ص.عيني- литог. М. 1925 (ш.к.).
3. كشفالمحجوب على ابن عسман الحجويرى - Лохур. XIXаср (ш.к.).
4. كتابالإنساب - السمعانى - Т. Фан, 1993. ЎзФАШИ,
5. خواجه ابوالبقا- جامع المقامات. кулѳзма, (ш.к.).
6. فرهنگ زبان تاجيكى - М. Энциклопедия. 1980. 2 чилд.
7. محمد غياثالدين - غياثاللغات - III-т. Д. Адиб. 1987.
8. حاجى خليفه- تقويمالتواريخ - Техрон. Эхѳ китобхона. 1376х.ш.
9. جلال محمود تهانيرى-ارشادالطالبين - Лакхнав.1855.СамДУ №1097101
10. مجمع الوثائق кулѳзма, ЎзФА Шарқш.Инст. № 1386.
11. عبدالرزاق سمرقندى - مطلع السعدين - Т. Ф. 1969. ЎзФАШИ.
12. فخرالدين على الصفى - رشحات - Лакхнав, XIXаср (ш.к.)
13. محمد يوسف منشى - تاريخ مقيم خانى - кулѳзма, (ш.к.).
14. رسول هادى زاده - سمرقندنامه - Техрон – Душанбе 2002.
15. شرفالدين حسين - جادة الاشيقين - кулѳзма. 1570й. (ш.к.).
16. ناصرالدين بخارى - تحفة الزانرين - Бухоро, литог. 1904й. (ш.к.).
17. شرفالدين على يزدى - ظفرنامه. №4472.1437; ЎзФАШИ.
18. مقصود بخارى - روايح القدس - кулѳзма. 1852й. (ш.к.).
19. عالم شيخ - لمحات من نفحات القدس - Тошкент. 1908. (ш.к.).
20. دارا شكوه - سفينةالاوليا - Лакхнав. ЎзФАШИ. КП № 2996/2.
21. نفحات الانس - عبد الرحمن جامى - Лакхнав. 1328х. (ш.к.).
22. خان دمير - روضت الصضا - Лакхнав. 1325х. (ш.к.).
23. كته خان خواجه دهبيدى - رساله تاريخ دهبيديه (муал..шахс.кутубх.).
24. مخدوم اعظم - مجموعه الرسائل (муал.шахс.кутубх.).
25. شاه محمود چراس - التاريخ (ш.к.).
26. جومه قلى اورگتى - تاريخ (Уртут нусхаси, шахс.кутубх.)
27. موسى خان خواجه دهبيدى - زبدة الحقايق (ш.к.).
28. سيداى نسفى - كليات آثار - Душанбе. Дониш 1990.
29. محمد سليم - كشكول سلميى - 1331х. Литог. (ш.к.).
30. سلسله الصا دقين وانيسى العاشقين - دوست محمد - УзФАШИ. №2471

-
31. محمد سعيد خوجره دار - جمرات кулёзма. ЎзФАШИ.
32. مطربى سمرقندى - تذكرة الشعرا кулёзма. ЎзФАШИ.
33. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент, Ўқитувчи. 1994.
34. Абдурахмон Мустажир. Рўзномаи сафари Искандаркўл. 1989. Д. И.
35. Али Даштий. Суфийлик нима, суфийлар ла? Саодат. 1992. №10.
36. Бартольд В. Сочинение. Том-II.
37. Буюк сиймолар, алломалар. 2-том. А. Қодирий, Т., 1996.
38. Валихўжаев Б.Н. Хожа Аҳрори Вали. Зарафшон. 1993. Самарканд.
39. Гафуров Б. Таджики, 1989. Ирфон. Душанбе.
40. Бобур мирзо. Бобурнома, 1989. Юлдузча. Тошкент.
41. Имом Насафий. Қандия. К.Каттаев тарж. Самарқанд, Сўғдиён 1994.
42. Ислом энциклопедияси. Давлат нашри. Тошкент. 2004.
43. История и культура народов Ср. Азии. Наука. Москва. 1976.
44. Каттаев К. Самарқанд мадрасалар тарихи Мерос 1996 май
45. Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Дахбед. Самарқанд. Сўғдиён. 1994.
46. Каттаев К. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самаранд. СамДУ. 1995.
47. Каттаев К. Самарқанднинг буюк алломалари. С. Зарафшон. 1998.
48. Каттаев К. Махдуми Хоразмий ва хонақоҳи. С. Зарафшон. 2003.
49. Каттаев К. Самарқанд мадрасалари. С. Зарафшон. 2003.
50. Каттаев К. Хожа Аҳрори ва Мирзо Улуғбек. С. Зарафшон. 2004.
51. Каттаев К. Шох Неъматуллои Вали. Т.Фан. 2005.
52. Каттаев К. Шохизинда-Кусам ибн Аббос. Тошкент. Фан. 2006.
53. Каттаев. К. Гўри Амир мақбараси тарихи. С. Зарафшон. 2007.
54. Мирзо Сомий. Манғит султонлари т-хи. Шарк юлдузи 1993. №3-4.

-
55. Мукминова Р. Вақфнаме. Т. Наука. 1966.
56. Мустафоев Суюндик. Кармана азизлари. Тошкент. Мухаррир. 2010.
57. Мухаммад Ғиёсуддин. Ғиёсул-луғот. Адиб. Душанбе. 1987.
58. Мухаммад Юсуф. Шояд такводор бўлсак. Т. Чўлпон 1992.
59. Олим Шайх. Ламаҳот (ласси К. таҳририда) С. СамДУ. 2007.
60. Протоколы заседаний... 1913-14гг. (История термезских сейидов).
61. Садриддин Айни. «Намунаи адабиёти тоҷик», 1925. Москва. (ш.к.).
62. Саидкулов Т. Очерки историографии. Укитувчи. Тошкент. 1992.
63. Сайид Роқим. Тарихи томм. Т. Маънавият. 1998.
64. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Табаррук сиймо. Мухаррир. Тошкент, 2009.
65. Салиева Ф, Каттаев К. Проблемы суфизма...С, Зарафшон. 2007.
66. Справоч.кн. по Сам.обл. Вып.-IV.1898. А.Икромов музейи кутубх.
67. Суханварони сайқали рӯи замин. Душанбе. Ирфон, 1973.
68. Собрание Восточных Рукописей. Т-III, стр-368. № 2700.
69. Фон Грюнебаум. классический ислам (600-1258) М 1981.
70. Файзиев А.Ф. История Самарканда. С. СамГУ, 1992.118.
71. Чехович О. Самаркандские документы. XV-XVI вв. 1974: Москва.
72. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. Тошкент, Ибн Сино.
73. ЭСТ. Д. (Энциклопедия), 1980.
74. Яссавий ким эди? (тўпл. Б.Дўстқораев) Тошкент.
75. Ҳазраткулов М. Тасаввуф Маориф Душаибе. 1988.
76. Ҳамидхон Исломи. Султонул-орифин. Фан. 2005.
77. Ҳодизода Р. Адабиёти тоҷик Маориф. Душанбе. 1988.
78. Ҳофиз Таниш. Шарафномаи шоҳи. Тошкент. Фан 1966.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....	3
----------------	---

БИРИНЧИ БОБ

Сайид Ота тўғрисида манбалар.....	5
Сайид Ота.....	7
Сайид Ота ва Ўзбекхон.....	11

ИККИНЧИ БОБ

Яссавия тариқати муршидлари.....	16
Хожа Аҳмади Яссавий.....	16
Ҳазрати яссавий халифалари.....	18
Биринчи халифа – Мансур Ота.....	18
Иккинчи халифа – Саъид Ота.....	19
Учинчи халифа – Сулаймон Ота.....	19
Тўртинчи халифа – Ҳаким Ота.....	19
Сўфи Донишманд.....	22
Занги Ота.....	22
Узун Ҳасан Ота.....	23
Сайид Ота.....	25
Исмоил Ота.....	25
Садр Ота.....	26
Бадр Ота.....	26

УЧИНЧИ БОБ

Сайид Ота авлодлари тўғрисида.....	28
Сайид Отанинг машҳур авлодлари.....	30

Сайид Абдулло Зарбахш.....	30
Сайид Аҳмадхожаи Нақиб.....	37
Сайид Абдулмалик – Амир Аббос Соний авлоди.....	37
Ҳазрати Сайид Ота шажараси.....	40
Сурхандарёлик Сайидатоийлар.....	41

ТҶҲРТИНЧИ БОБ

Соҳадаги баъзи чалкашликлар.....	43
----------------------------------	----

БЕШИНЧИ БОБ

Яссавиъ пирлари ва мақомотлари.....	52
Шайх Ҳудойдоди Вали.....	52
Қосим Шайх Азизон Карминаги.....	55
Олим Шайх Азизон ва унинг “Ламаҳот мин Нафаҳотул-Қудс” китоби таҳлили.....	55
Ҳулоса.....	58
Адабиётлар.....	59

Илмий-оммабоп нашр

КОМИЛХОН КАТТАЕВ

**ЯССАВИЯ ТАРИКАТИ ВА
САЙИД ОТА ТАРИХИ**

(Монография)

Муҳаррир:

Г. Каттаева

Техник муҳаррир:

С.Мухиддинов

Мусахҳиҳ:

Нодира Эгамқулова

Дизайнер:

Дилмурод Жалилов

“QAQNUS MEDIA” NASHRIYOTI

Лицензия AI № AI 293, 23.02.2017.

Босишга 2019 йил 24 сентябрда рухсат этилди.

Бичими: 60x84 1/32. «Virtec Times» гарнитурасида

офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

3.75 шарт. б.т. 4.2. ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 31-сон буюртма.

“Qaqnus” МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Кох ота кўчаси, 33-уй.



Комилхон Каттаев – 1957 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. Самарқанд Давлат музей-қуриқхонаси Шарқ қўлёзмалари бўлими раҳбари; Ўзбекистон Фанлар Академияси СБ сектор мудир ва Грант раҳбари; Самарқанд давлат чет тиллар институти Шарқ қўлёзмалари маркази раҳбари; Самарқанд вилояти «Махдуми Аъзам Даҳбедий илмий-тадқиқот Фонди» раиси лавозимларида фаолият юритган. 50 га яқин китоб ва 200дан зиёд илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.